

ТОШПУЛАТ АҲМАД

# ОЧИҚ ЭШИК

(Ҳикоялар)

---

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти,

Тошкент — 1981

На узбекском языке

*Ташпулат Ахмад*

ОТКРЫТАЯ ДВЕРЬ

Рассказы

1808

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1981

Редактор Т ўлқин

Рассом Э. Валиев

Расчар редактори А. Фуломов

Тех. редактор Л. Буркина

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 814

Босмахонага берилди 28. 01. 81 й. Босинга рухсат этилди. 15. 06. 1981 й. Р 15480.  
Формати 70×108 $\frac{1}{2}$ . № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори  
босма усулида босилди. Босма листи 1,5. Шартли босма листи 2,1. Нашр листи  
2,130. Тиражи 15000. Буортма № 61. Шартнома № 100—80. Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Нашриёт, «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент,  
700129. Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат коми-  
тети Тошкент «Матбуот» полиграфия иншаб чиқарни бирлашмасининг 2- бос-  
махонаси. Янгийўл, Самарқанд кӯчаси, 44.

© «Ёш гвардия», 1981.

А 70303—79 43—81 4702570000  
356(04)—81

— Келинглар,— деди райком секретари ўрнидан хи-  
ёл қўзгалиб,— қани, буёққа ўтиглар.

Меҳмонлар катниг икки томонига омонатгина  
ўтиришди. Фурсат ўтмай, дастурхон ёзилди. Мева-чева,  
ноз-исъмат дегандай, ўртага тортилди.

— План тўлгач, озроқ майшат қилишга ҳаққимиз  
бор-а, ўртоқ бригадир,— деди Қодиржон Наймов хуш-  
чақчақ оҳангда қовурдоққа қўл узата туриб.

— Албатта, райкум ака, қани, марҳамат қилиб ола-  
веринглар.

Наймов бундай қараса, Равшан ота ошхона томон-  
да ивиришиб юрнити. У секин, ҳазиломуз оҳангда овос  
берди:

— Ҳўв, ота, буёққа келсангиз-чи! Ё пойқадамимиз  
ёқмаянтими?

— Ие, ие, Наймуп ука, ундоқ демаинг. Ман Сизга  
битта тўқсон бешдан дамлай дегандим. Мана ҳозир бо-  
раман-да.

— Қўйинг, Сиз урнамаинг. Чойни чойхоначи бола дам-  
лайди. Озроқ ўтириб, тўртта гап беринг. Ҳўш мана, Сал-  
танат холам тузалиб қоптилар. Иссик жон иситмасиз  
бўлмас ахир. Қарабисзки, эрта-индин яна бағрингизга  
иссиқ киради... Ё йўқми?

— Ҳе, ўртоқ Наймуп, жуда шўхсиз-да. Энди нима  
дей Сизга. Одамниг бағрига иссиқ тегмаса, музлаган  
бир халта гўштдай-да, киши. Ўзингиз-ку ҳаммасини  
биласиз: шу Салтанат холангиз бўлмаса, ман ўёқдан  
ё қайтардим, ё йўқ.

— Мен-ку, биламан,— деди Наймов мийнгнда қулиб,  
— лекин мана бу меҳмонлар билишмайди-да, муҳаббат-  
ларингиzinи.

— Муҳаббатларини?! — ажабланиб сўради райсуд  
раиси.

Бу ноўрин савол Равшан отанинг энсасини қотириб,  
кўнглининг нозик жойини тилгандек бўлди. Ота уни та-  
нимасди шекилли, бир қўзгалиб қўйди.

**С**арҳовуз бўйидаги ёғоч катда ёнбошлаб, бригадир билан кечаги кун сводкасини сарҳисоб қилаётган райком секретари Қодиржон Найимов чойнак кўтариб келган шийпон қоровули Равшан отапинг ҳурматига жойидан қўзгалди. Қуюқ салом-алик қилиб, ҳолаҳвол сўрашди.

— Ҳорманг энди, отахон,— деди у самимий жилмайиб,— планни-ку дўндириб, зиёфатни якка едингиз. Райкомни бундоқ таклиф ҳам қиласай демайсиз. Қани, бир-пас ўтириб, ҳеч бўлмаса, бир пиёла чойдан қуинг.

— Райкўм укам. Сизнинг ҳақингиз ҳамиша токчада. Шукурки, қозонимизнинг тўртала қулоғи ҳам ҳозир мойга ботган. Ҳаш-паш дегунча зиёфатни гатоп қиласизда. Ман ҳозир...

— Раҳмат, ота, раҳмат. Биз зиёфатни ўтган куни еб кетганимиз. Сизни суриштирусак...

— Ҳа, касалхонага кампиршо-янгангизни кўргани тушувдим. Узр-да, энди Найимуп укам, узр.

— Ие, Салтанат хола бетобмилар ҳали? — бригадирга юзланди Қодиржон Найимов,— нега бизга айтмадингиз. Хўш, қалай экан соғлиқлари?

— Ҳечқиси йўқ, озроқ шамоллаганлар. Эртага жавоб берар экан, — деди бригадир.

— Ҳа, унда яхши. Аммо холани дурустроқ қаратинг. Қерак бўлса, тортинмай айтинг, дўхтирларга ўзим тайинлайман.

Равшан ота қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдириди.

Шу пайт шийпон олдига енгил «Газик» келиб тўхтади. Ундан раийжроком раиси ва яқиндагина сайланган ўттиз беш ёшлардаги олифтанамо кийинган йигит, ингичка мўйловли райсуд раиси тушишди.

— Ҳа, меҳмон укам, нега ажабланасиз? Ёки биз — чолларда муҳаббат бўлмаган дейсизми? Биз ҳам Сиздек навқирон бўлганимиз, жонидан. Мана бу кўксимиздаги бир қарич ёлни бекорга ўстирибмизмн?

Гуррос кулги кўтарилиди. Бечора райсуд раиси мулзам бўлганидай тарвуз тилимидай қизарди. Оғзидағи гўштни шошганидан чала чайнаганча қулт этиб ютинди.

— Мен бундай демоқчи эмасдим...

— Хўш, жонидан, қандай демоқчи эдингиз?

— Бўлди, бўлди. Сизга ўн бал, — дея ўртага тушидни Найимов ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб, — яхшиси, отахон, Сиз ўша «бир чаноқ пахта» воқеасини гапириб беринг. Апа унда булар муҳаббат қанақалигини фаҳмлашади.

— Билмасам, эди ўртоқ Найимуп, айтай десам ярам янгиланади, айтмасам мана бу укамиз дарди йўқ кесак деб ўтирса мани...

— Ахир, отахон, мен Сизни асло... — чайналди райсуд раиси.

— Ҳа, хўп, келинг энди Равшан ота, битта хатони кечириш мумкинми, йўқмн?

— Мумкин, ўртоқ Найимуп, мумкин.

— Бошланг унда!..

Равшан ота бир пиёла чой қуийб, қўлига олди. Так-рор-такрор ҳўплади. Қийинқ қўзларини қисиб, ҳовузга тикилди. Енгил шабадада жимирилаётган сув бетида сарғайган барглар сузиди юрингти. Илғамаган экан, яқинда арраланган қари толнинг кундаси ёнидан ўн саккиз яшар қизнинг сочидай нафис тол-хивич кўкаринти. Хунарироқдаги полизда тўр ташлаган бўрикаллалар кўзга чалинади. Нурмат беданабознинг сайроқилари ҳар замон-ҳар замонда «питнилиқ» отиб турипти. Хуллас, ҳамма нарса табиий, ҳамма нарса рассом мўйқалимидан чиққан жонон суратдай...

— Шундай қилиб десангиз, — сўзга аста киришди Равшан ота, — урушнинг охпир ҳали қўзга кўринмаган пайтларда эли. Биз Белоруссия ўрмонларидаги душманни

қийратардик. Мен полкимизнинг кўзи чақмоқ снайперларидан эдим. Иттифоқо, биз — тўрт-беш мерганин штабга чақириб қолнишди. Навбатдаги «ов» олдидан «максус сухбат» бўлса керак, дея ўйладик. Йўқ, командиримиз бизни бошқача кайфиятда қаршилади. Аввало, ҳар биримизга ҳозир Спзлар айтадиган «мўйсафид»дан жиндайжиндай қўйиб берди. Кўксимизга битта-битта орден тақиб, навбатдаги «овимиз»га барор тилади. Сўнгра ҳаммамизга совға улашди.

— Мана бу сенга, сержант Самадов,— деди у менга навбат келганда, — она-юртинг — Бухорадан. Бир гўзал қиз юборибди. Ўйлаб-ўйлаб, сенга беришга қарор қилдик. Ҳали уйланмагандирсан-а? — қўшиб қўйди у.

— Худди шундай, ўртоқ полковник! — дедим ғоз турганча.

— Унда омадиг бор экан. Албатта хат ёз. Ҳайнаҳой ғалабадан сўнг тўйларингга борарман.

— Кошки шундай бўлсайди, ўртоқ полковник.

— Нега энди кошки бўларкан. Албатта бирга ўтказамиз тўйинингни. Ҳўп, хайр бўлмаса.

Командир ҳузуридан қандай чиққанимни билмайман. Йўл-йўлакай совға қуттичасини очдим. Қўлларим титрайди, вужудимга гўё сўнмас аланга тарқалгандай. Озроққина қовун қоқи, майиз, ёнғоқ, анор, бир жуфтгиша пайпок, тута жунидан тикилган қўлқоп, яна алланарсалар ва энг муҳими, учбурчак хат бор экан унда. Қалтираб-қалтираб хатни очдим. Мактуб қисқагина эди: «Ушбуни олувчи мерган йигит. Сиз мени танимайсиз, албатта. Аммо мен биламан, Сиз жасур жангчисиз. Фашистларнинг додини бераётган қасоскорсиз. Гарчи уйқунгиз қуш уйқуси, тўшагингиз она-занининиз бўлса-да, Сиз асло толмас, ўтда ёнмас, алпомишифат баҳодирсиз. Сиз билан элимиз, юртимиз фахрланади. Чунки Сиз келажакни, дунёни омон сақлаш учун курашяпсиз. Сизга зафар ёр бўлсин. Олингу олдирманг. Оналарнинг, болаларнинг, бўйга етган қизларнинг нигоҳи йўлинигизда.

Дарвоқе, мен пахтакорман. Сизга бир чаноқ пахтани рўмолчага туғиб юбордим. Пахтакор элизимизнинг тимсоли Сизга мададкор бўлсин, дейман. Хат ёзинг. Ғала-бадан сўпгги учрашувгача.

**Салом билан: Сизни кутувчи  
Салтанат Сайджонова.**

Шоша-пиша тугунчани очдим. Ишонасизми, қувончдан йиглаб юборай дедим. Гулдор рўмолча қатидағи бир чаноқ пахтани кўзларимга сурдим, лабларимга босдим. Ана шу бир чаноқ пахта менга она-юртимнинг хуш бўйини, тароватли заминининг атрини, дилкаш боғларининг тотини олиб келган эди. Уша куни бир чаноқ пахта бутун полкимизни айланиб чиқди, қўлдан-қўлга ўтди. Командиримиз бутун жангчиларни тўплаб, бир чаноқ пахта мавзууда митинг ўтказди. Биз шу куни бир чаноқ пахта учун — пахтакор Ўзбекистон учун жангга кирдик. Мен ўша пахтани кўксимга босиб, омонсиз жанг-жадаллардан ўтдим. Днепрни, Бугни, Одерни кечиб ўтдим. Рейхстагни штурм қилиб олганимизда, унинг деворига бир чаноқ пахтанинг суратини чизиб, остига ўзимнинг ва мени муҳаббати не-не ўлим ўпқонларидан сақлаган мададкорим Салтанатхоннинг номини ҳам ўйнб ёзганиман. Берлин кўчаларида акс-садо берган қудратли «урра»ларимизда Салтанатхонга ўшаган мииг-минглаб хотин-қизларимизнинг улуши йўқ деб ким айта оларди. Агар уларнинг мактублари биз — жангчиларга далда бермаганида, ҳаёт у қадар ширин туюлмасди балки...

Тўғриси, Салтанатдан бир умр миннатдорман. У менинг биргина хатимни олиб, ишонч билан кутди. Ўзимизнинг қўшни райондан экан. Ғалабадан бир йил кейин, хизматдан қайтганимдан сўнг тўйимиз бўлиб ўтди. Афсуски, командиримиз тўйимизда иштирок этолмади. У уруш тугаши арафасида қаҳрамонларча ҳалок бўлганди. Ўшандан бери юлдузимиз бир-бирига тўғри келиб, баҳо-

ли-қудрат яшаяпмиз. Мана шунақа, Равшан отангизнинг муҳаббатига бир чаноқ пахта сабабчи бўлган. Биз энди қаридик. Бир этак бола-чақамиз бўлса-да, севгимизни ҳамон пахтадай пок тутиб келаяпмиз. Ҳа, ўша бир чаноқ пахта ҳозир ҳам севги туморидай уйимизнинг тўрида турпти. Айтинг-чи, меҳмон укам, буни муҳаббат деса бўладими, ўйқми?

Райсуд раиси ноўхшов мўйловини наридан-бери си-лаган бўлди. Бир оғиз ноўрин луқмаси учун бунчалик дашном ейишини, аксига райком секретари олдида бир оддий қоровул чол уни тузланган балиқдай қотириб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У қизарди-бўзарди. Томоқ қириб, Равшан отага таъзим қилишдан бошқа илож тополмади.

— Э, яшанг, Равшан ота, — дея сўзга аралашди Қодиржон Найимов райсуд раисини ноқулай вазиятдан қутқарниш учун, — Сизларниг муҳаббатингиз ҳазилакам муҳаббатдан эмас. Бу муҳаббатнинг уругини Салтанат холам юборган бўлса, Сиз уни қалбингида сира сўлимайдиган қилиб кўкартиргансиз. Бу муҳаббатнинг сўзларини Салтанат холам ёзган бўлсалар, Сиз уни кўнгил куйига айлантиргансиз. Бу муҳаббат она-заминга, қуғлур фибраларга, гулгун ҳаётга бўлган меҳр қўшиғидир. Бу муҳаббат бир чаноқ пахта шаънига битилган садоқат қўшиғидир.

Равшан отанинг кўзларида бир чаноқ пахтанинг оп-поқ шуъласидай нур тошқини жилваланди...

## ● ҚЎЛТИҚТАЁҚЛИ КИШИ ●

**Ш**анба куни эди. Осмоннинг ковоғи солиғроқ. Йўловчи машинада Дўрмон айланма йўлига келдим. Уйга бориш керак. Кўзларим йўлда. Кутдим. Машинадан дарак йўқ. Парча-парча булутлар эса босим устида. Вақтни бой бермай жилиб қолиш керак! Плашимнинг ёқаснин кўтариб, намат шляпамни қо-

шимга бостирганча, «қайдасан, Деновим», дея йўлга тушдим. Ёнимдан аҳён-аҳёнда этак тутган кишилар ўтиб қолишади. Ҳув нариги пайкалда йигнт-қизлар. Ердамчилар бўлса керак.

Бир вақт кун сал ёрнштандай бўлди. Қуюқ булатлар ортга чекина бошлади. Мусаффолик. Даражтлардан чумчуклар гуриллаб ҳавога кўтарилади. Тиниқ нур мурғаккина жонга ҳам ҳузур бахш этади чоғи... Неккиши қишлоғига келиб қолибман. Биринчи ҳовли Облоберди аканики. Унинг орқа деворлари яқиндагина сувалганга ўхшайди. Устасига балли, сувоғи бирам текиски..

Асфальт йўлни кесиб ўтишим биланоқ, паҳтазор бошланди. Кенг, тут даражтлари сероб пайкал. Оқ гулли белбоғни бошига «саллача» қилиб ўраган бир киши дам эгилиб, дам турганча паҳта теряпти. Йўлнинг ёнгинасидан разм солсан, Облоберди ака эканлар. Бир хил бўлиб кетдим. Учбурчак шаклидаги қўлтиқтаёққа тизздан кесилган чап оёқларини согланлар. Бир қўлларида оддийгина ёғочдан ясалган ҳасса. Шу тахлитда «бўш турган» қўллари билан паҳта теряптилар.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, Облоберди ака, — дедим пайкалга тушарканман. У киши қоматларини хиёл кўтариб, менга синчилкаб қарадилар.

— Ваалайкум ассалом! Э-ҳа, сенмисан жиян?

— Сизга нима ташвиш! Жуда толиқасиз-ку, бундай аҳволда.

— Ҳе, жиян. Юрган дарё, дейдилар. Ҳадеб ўтираверса, зерикади киши. Бир киломи, ўн киломи терсам ҳам колхозга фойда. Ҳар куни газета ўқиб, радио эшиятяпман: Ватанга паҳта керак ҳозир! Арғамчига эса қил ҳам қувват...

Облоберди акани болалигимдан бери биламан. Одерда бир оёқларини йўқотиб қайтганлар. Чап кўзларини эса осколка ялаб ўтган. Инвалид бўлсалар-да, тинибтинчимасдилар. Атиги беш йил бўлди қариллик пенсиясига

чиққанларига. Үнгача почтальонлик қиласардилар. Катта-кичикни «жиян» дердилар. Бизлар ҳазиллашиб, «Жиян тоға» дердик у кишини. Ҳали-ҳали эсимда: кўк эшаклари бор эди. Катта сумкага газета-журналлар солиб, ҳовлима-ҳовли кезардилар. Кичкина ҳассалари билан дарвозаларни тақиллатиб, овоз берардилар:

- Хе, жиян, газетангни ол.
- Жиян, сенга хат бор, армиядан аканг ёзибди.
- Жиян, журналинг расмини йиртмасдан отангга элтиб бер...

Анча суҳбатдан кейин ширин хаёллар ичра у киши билан хайрлашдим. Текис асфальт йўл. Ёмғир томчилаб турибди. Бир оз юргач, ортимга қайрнилб қарадим. Об-лоберди ака учбурчак шаклидаги қўлтиқтаёққа тиззадан кесилган чап оёқларини солганча битта-битта пахта терардилар...

## ● ОДАМ КЎНГЛИ ЯРИМТА... ●

**А**лижон ака ишдан қайтиб, уйига кириши биланоқ хотини «авиа» маркаси ёпиштирилган конвертни узатди.

- Ҳозиргина пўчтачи ташлаб кетди.
- Қимдан экан? — сўради у шошиб.
- Билмадим, бунақа танишингиз йўқ эди шекили.
- Муяссар опа елкаларини қисиб, эрининг коржомасини қўлтиқлаганча ташқарига йўналди.

Алижон ака даҳлизда ясама... ўнг оёғини ечди-да, наридан-бери кийиниб, хонтахта олдида ёнбошлади. Конвертни яна қўлига олиб, адресига кўз ташлади: «Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси. Сувоновдан».

— Таажжуб, ким бўлди бу одам? — У хиёл ўйловдан сўнг хонтахта устидаги чойнакдан бир пиёла чой қуйиб, икки-уч ҳўплам ичди. Конвертни очиб, хатни ўқишига тушди:

«Қадрдоним, Алижон! Ушбу мактубни олганингда сира ажабланма, — дея бошланарди мактуб, — мен ўша, юрагни тирнаб-тиrnab, кўзларидан қон ёшларини оқизиб, сени «тупроққа топширган» дўстинг Валижон бўламан. Агар билсанг, ҳозир ўзимдан-ўзим нафратланяпман. Нега шошқалоқлик қилибман-а? Сенинг хонадоинингга, муштипар онаизорингга ўлиминг хабарини олиб боргунча, шу тилларим кесилса бўлмасми? Мени кечир, жўражоним! Сенинг олдингда, Барно холам олдида бир умр гуноҳкорман...»

Алижон ака шошиб қолди. Кутилмаган хат унимиг идрокини лол этди. Лаблари пирпираб, кўз олди қорон-filaшгандек бўлди. Нималар бўляпти ўзин? Наҳотки бу ўша бўлса? Уни сўраб-суруштирган эдн-ку! Қанчадан-қанча ҳатларининг атиги биттасига «бедарак кетган» деган мазмунда жавоб олганди. Демак, тирик қайтган экан-да! Хўш, буёни ўқиб кўрай-чи, нималар ёзган экан:

«... Дарвоқе бахтли тасодифни қара. Яқинда уйимизга бир йигитча ижара сўраб келди. Уни кўрдим-у, юрагим алланарсани сезгандек бўлди. Қош-қўзлари, иссиқ чеҳраси сени эслатди. Авваллари ижарага ҳеч кимни қўймаган бўлсам-да, унга дарҳол жой бердим. Сўраб-суриштирсам... биласанми, эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим. Ўғлингни қучиб-қучиб йигладим. Хотиним, болачақам ҳайрон қолиши бу ҳолга. Гарчи оғир бўлса-да, уларга бутун воқеани сўзлаб бердим.

Жўражон, сени шундай соғинганманки... Ботиржон билан келишдик. Чоршанба куни бизни кут. Борсам, Барно холам мени кечиравмикан?..

Салом билан: фронтчи дўстинг  
Валижон Сувонов».

Ажабо, бу ўнгимми, тушимми? Наҳот шу гаплар рост бўлса? Инсон тақдири шу қадар мураккаб, инсон қисмати шунчалар сертугунми? Агар Ботиржон ётоқҳона

олганида... Иўқ, иўқ, ололмагани дуруст бўлган экан. Иўқса, юракда зил тош бўлиб қотган аччиқ фифон бир умр муҳрланганча қолиб кетармиди? Хайрият, умидларим сароб бўлиб чиқмади. Ахир одамзод эмас, умидлар ўлади дейдилар-ку!.. Сўнгги умидларимдан бири тирилиб келаётган экан, нечун унга пешвоз чиқмайин? Қадаминг бунча қутлуғ бўлмаса, ўғлим!..

Алижон ака чопонини елкасига ташлаб, қўлтиқтадекқа суюнганча ўрнидан қўзғалди.

— Қаёққа, дадаси, ҳозир овқат келтираман,—ошхондан овоз берди Муяссар опа.

— Бирпас тура тур, тоза ҳавода озроқ айланиб келай.

Алижон ака ҳовлиспининг орқа томонида жойлашган колхоз боғига қараб йўл олди. У зериккан ё чарчаган пайтларида шу ерга келар, боғ ўртасида қад кўтарган «Мангулик» ҳайкали отидидаги скамейкаларниң бирида ўтириб, кўнгил ёзарди. Ҳайкал бултур баҳор пайтида фидойи ҳамқишлоқлари хотирасига ўрнатилганди. Ҳайкални очиш маросими катта ҳалқ сайлига айланганди. Ўшанда у жанг хотираларини эслаб, ҳаяжонли нутқ сўзлаган, марказдан келган бир генерал унга самимий миннатдорчилик билдирганди. Алижон ака ҳозир ҳам шу қадамжога келиб ўтиаркан, ўша воқеалар яна хотирига тушди. У қўлтиқтаёқларини ёнбошга қўйиб, ҳайкалга бошдан-оёқ термилди: фарзанд доғида аламзода бўлган мунис она қиёфаси, унинг пойида сўнмас аланг! Ўнг томондаги гумбазсимон мармар лавҳаларга эса ўйиб ёзилган қатор номлар...

— Агар емиш излаб чиққан ўша белорус аёли тасоди-фан учратиб қолмаганида... унинг номи шу лавҳаларга нечанчи бўлиб битиларди? Ахир уни Валижон наридан-бери «кўмиб» кетган экан-ку! Буни у кейинроқ, йил ошқи берилаётган куни уйига кириб келганида эшитганди. Ўшанда ёлғиз фарзанди ҳажрида куйинавериб, кўзлари ногирон бўлиб қолган Барно хола ҳушдан кетиб қолганди. Қейин аза тўйга айланганди. Мана шунга ҳам

ўттиз беш йилдан ошиб қолипти. Эҳ, Валижон, Валижон, наҳот тирик бўлсанг? Бу ҳаётда одам кўзи очиқ юриб, бир-бирини «ўлди»га чиқариб юриши мумкинми? Наҳот бизнинг толеимизга бундай кўргиликлар ёзиб қўйилган бўлса?! Бунга ўша диёнатсиз уруш сабабчи эмасми?..»

Алижон фронтга кўнгилли бўлиб борганида, мўйлови эндиғина сабза ура бошлаган йигитча эди. Қорақош, қоракўз «аскарча»нинг айрилмас дўст тутингани самарқандлик Валижон деган йигит бўлди. Бир-бирига жуда монанд жўраларни илк бор кўрганлар «туғишишганлар» бўлса керак деб ўйлашарди. Йкки пакана гвардиячи доим ротанинг энг охирида сафланишар, баъзилар: «Болакайлар, оёқ тагида қолиб кетманглар тағин», дея ҳаззиллашибса, улар кечирасиз, ўртоқ нарвоний, кругом дейилганда биз биринчи бўламиз», дея жавоб қайтаришарди. Хуллас, Алижону Валижон ротанинг суюкли жангчилари эди.

«Ака-укалар» роса уч йил бирга ўт-олов кечишиди. Улар хизмат қилган гвардиячи-ўқчи дивизия Сталинград остоналаридан Белоруссия тупроғигача бўлган масофани мардонавор жанглар билан босиб ўтди. Ҳар бир жанг, ҳар бир омонсиз тўқнашувлардан сўнг Алижон ва Валижон бошқалар қатори душман разиллигини муҳокама қилнишар, фашистларнинг озод этилган жойларда қолдирган қонли асорати уларни интиқом олишга даъват этарди.

Урушнинг охири ҳали кўринмасди. Гомель атрофларида ҳаёт-мамот жанглари бормоқда. «Ака-укалар»ни разведкачилар бўлинмасига ўтказишади. Улар ўртасидаги дўстлик эса янада чуқурроқ томир ёзади.

— Уруш тугагач, албатта бирга қайтамиз!

— Тез-тез учрашиб турамиз...

Алижон ва Валижоннинг қатъий дил сўзлари мана шундай эди! Аммо навбатдаги разведка улар тақдирини дengiz тўлқинига дучор бўлган қайиқдек парча-парча қилиб ташлади...

Ҳал қилувчи ҳужум олдидан «тил» зарур эди. Алижон, Валижон ва икки рус йигити йўлга тушишди. Ой уларга мададкордай булат ортига беркинган. Поёнсиз арчазорлар сокин ва дилкаш. Куз шамоли эсиб турибди. Сўқмоқ йўлдан озроқ юрилса, қишлоқ чеккароғидан чиқиш мумкин. Разведкачилар шундай қилишди. Улар чироғи фира-шира ёниб турган бир уйдан сал нарида тўхташди. Эшик олдида мотоцикл. Демак, немислар! Бир пайт аёл кишининг «қутқаринглар!» деган чинқириқ овози эшилтildи. Сўнгра эшик зарб билан очилди. Уйдан бир немис офицери соchlари тўзғиган аёлни ташқарига қувиб чиқди. Омадни қарангки, аёл тўппа-тўғри разведкачилар томонга қочиб кела бошлади. Ҳар дақиқа ғанимат! Валижон бир сакраш билан аёлга яқинлашган маст офицерни маҳкам бўғиб олди... Оғзига латта тиқилиб, қўллари орқасига боғланди. Саросимага тушган аёл вазиятга тушунгач, халоскорларга раҳмат айтиб, гуноҳкорларча бош эгди. Алижон эса бу пайтда хона ичидаги иккинчи ширакайф келгиндини гумдан қилиб чиқсан эди.

Ҳамма фалокат орқага қайтишда юз берди. Разведкачилар ярим йўлни босиб ўтганларида душман пистирмачиларни сезиб қолишди. Қаттиқ отишма бошланди. Разведкачиларимиздан бири шу заҳотиёқ дайди ўққа учраб қолди. Алижон эса ўнг оёғи ва кўкрагидан оғир яralаиди. Нима қнлмоқ керак? Ўйлаш учун фурсат йўқ. Валижон таваккал қилиб, «тил»ни автомати билан олдинга ниқтади. Алижонни эса елкасига кўтарганча, унинг орқасидан тушди. Шериги душманни алаҳситмоқ учун мудофаада турди. Алнжондан бетиним қон оқмоқда. Унинг қўллари ҳам Валижон бўшида шалвираб қолди. Бу мушкуллик Валижонни ҳолдан тойдирди. У катта арча дарахти ёнида бомба портлашидан ҳосил бўлган чуқурга Алижонни оҳиста ётқизди. «Тил»га ҳам ётиш ва ўрнидан қимирламасликни буюрди.

— Жўр-ражон, мени қ-қўя тур. «Тил»ни албатта етказишинг зарур! Мен бари бир ўл-ламан.

— Қўйсанг-чи, бундай бўлиши мумкин эмас.

— Фойдаси йў-ўқ. Омон қайт-ссанг онамга... Алижоннинг сўзлари бўғзида кесилиб қолди.

— Кўзингни оч, жигарим, ишонмайман! Ишонмайман!..— Валижон йпфлади-сиқтади. Қайта-қайта унинг томирини ушлаб кўрди, кўксига қулоқ тутди. Алижонда эса ҳаёт нишонаси йўқ эди!

— Мени кечир, жўражоним, ўлигингни душман хорзор этишини истамайман!

У чуқурдан отилиб чиқиб, арча шохларини уза бошлади. Бир даста бўлгач, изига қайтади. Алижоннинг барча ҳужжатларини олиб, қўйин чўнтағига солди. Сўнгра «ўлик» устига бармоқлари билан наридан-бери тупроқ торта бошлади.

— Сени албатта олиб кетаман, ўз қўлларим билан қайта дағи этаман... Эҳ, лаънатилар!— У тишеларини фижирлатиб, чуқурда ҳамон канадек ёпишиб ётган фашистнинг биқинига бир тепди. «Тил» оғир инграб, ўрнидан қўзгалди. Валижон немис офицерини минг машақ-қат билан қисмга олиб келди-ю, бироқ у билан разведкага жўнаган дўстларидан ажралди.

...Алижон икки соатлардан кейин ҳушига келди. Аъзойи-бадани қақшаб оғрир, гавдасини қимирлатишга мажоли етмасди. У бор кучини тўплаб, ўрнидан қўзгалмоқчи бўлди. Йўқ, нафаси тиқилиб қолди. Ажабо, нега бундай бўляпти? Кўзларини ҳам очолмади-ку! У тишини-тишига босиб, чап биқинига агдарилди. Устдан тупроқ шовуллаб тўкилгандай бўлди. Димогига гупиллаб тоза ҳаво урилди. Хайрият, тирик экан! У бир қўли билан юзидаги тупроқ ва баргларни сидириб ташлади. Кўзларини очиб, бирпас хаёлга толди. Қаерда ётнитпи? Нега ётнитпи? Дўстлари қани? Валижон қаерга кетди экан? Наҳотки бомба портлаб, тупроқ уюми остида қолган бўлса? Алижон қанчалик ўйламасин, ҳеч нарсани идрок этолмади. Боши, қулоқлари ғувилларди. У яна уриниб, ўрнидан қўзгалмоқчи бўлди. Аммо, оёқлари итоат қил-

мади. Шунчалар қаттол, шунчалар багритошмисан, табиат? Ахир сенга қандай гуноҳ қилган эди у? Қандай ноҳуш кароматлари учун жазолаяпсан уни, жаллод табиат?! Алижон оғир хўрсиниб, тирсакларига таянганча чуқурдан чиқди. Сўнгра қон ҳалқоблари қотган кўкси билан ер тирнаб, арчазор томон судрала бошлади. Шу тахлитда қанча юрганини билмайди. У оғриқ зарбидан яна ҳушдан кетди. Тонг гира-ширасида қандайдир шарпа қулоғига чалингандай бўлди. Кўзларини очса, алла-қандай экиннинг жўягида ётипти. Эски пўстин кийган бир кампир эса боши устида йиғлаганча турипти.

— Тирикмисан, болам, илоҳи уйи кўйсин фашистларнинг. Сенга ўхшаган гулдек йигитларнинг умрини хазон қиляпти-я, ваҳшийлар, — кампир яна пималардир дея, душманлар гўрига чўп қалади. Чўнтағидан рўмолчасини чиқариб, кўз ёшларини артди. Ўрнидан туриб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқлигига ишонгач, Алижонга меҳр билан энгашди.

— Картошка ковлагани чиқандим, болам. Бутун емимизини тортиб олишди, ярамаслар... Хавотирланмай ёт, тезда қайтиб келаман.

Алижонга кейин нима бўлгани қоронғи. Ўзига келса, ертўлада ётибди. Азбаройи кўп қон йўқотгандан деярли мажолсиз, ҳатто лабларини очиб-ёпишга мадори етмасди. Кампир унинг бошини тиззасига олиб, бир кружка илиқ сут ичирди. Бир оздан сўнг Алижон ўнг оёғи бутунча ўраб-чирмаб ташланганини сезди. Ўнг кўкси ҳам санчиб-санчиб оғирди. Кампирнинг айтишича, қишлоқда немислар кўп экан. Врач чақиртиришнинг иложи йўқ. Демак, бизниkilар келгунча, тақдирга тан бериб ётиш лозим! У шу муштипар белорус аёли қўлида ана кетди. мана кетди бўлиб, бир ҳафтача ётди. Қишлоқ душмандан озод этилгач, кампир Алижонни санитарлар ихтиёрига топширди.

— Албатта тузалиб кетасан, болам, омон бўлгин! —  
Аёл уни бағрига босиб-босиб хайрлашди.

Алижоннинг кўнглида армон бўлиб қолгани шу бўлди, у аёлнинг Дуся хола эканлигини зўрға эслай олди, холос...


Алижонни аввал дала госпиталига, кейин шаҳар салхоналарининг бирига ётқизиши. Даволаш узоқ давом этди. Упкадаги осколка олиб ташланди-ю, бироқ оёқни тиклашнинг иложи бўлмади. Гангрена бошланган экан, тиззадан пастки қисми кесиб ташланди. Алижонга гоҳ у, гоҳ бу госпиталларда бир йилга яқин ётишга тўғри келди. Жанговар қисми аниқлангач, қишлоғига қайтариб юборишиди...

Валижон эса, «ўлжга»ни штабга топширгач, командирга рўй берган воқеани, фақат Алижоннинг ҳужжатларини олиб, уни «кўмиш»га улгурганини сўзлаб берди.

— Орқага қайтиб, ҳалок бўлганлар олиб келинсин! — буйруқ берди командир бўлинма жангчиларига.

Валижон бошлиқ бўлинма яна йўлга тушди. Улар иккни фидойи разведкачини топиши-ю, Алижон қабрига яқинлашганда яна душман пистирмасига дуч келишиди. Отишмада Валижон оғир яраланди... Унга санчаствда қишлоқ қўлга киритилгандан сўнг ҳалок бўлганлар биродарлар қабристонида дағнинг этилганини айтишиди. Бир оз тузалгач, қадрдан дўсти «кўмилган» жойга келиб, сўнгги марта видолашмоқчи бўлди. Бироқ «қабр»да Алижон йўқ эди. Демак, у ҳам ўша мозорга қўчирилган. «Наҳотки ўлганинг рост бўлса, Алижон! Шошма-шошарлик қилиб, сени чалажон кўмиб юбормадимми? Ахир, қўлимда жон бергандек бўлувдинг-ку! Нега сенинг ҳужжатларингни олдим? Ҳеч бўлмагандан кимлигингни ёзиб қўйишарди-ку!... Бу дўмпайган қабрларнинг қайси бири сеники-а, Алижон?! Жавоб бер, эй сен, юрагим, маълум бир одамнинг абадий «номаълум» бўлиб қолаётганига сен сабабчи бўлмаяпсанми?»

Ана шу саволлар, виждан азобини солувчи гумонлар



Валижонни ҳар лаҳза қийнар, «тил» туфайли нозик бир дамда туғишганидан ҳам зиёда бўлиб қолган қадрдонига халоскор бўлолмагани юрак-юрагини ларзага соларди.

У соғлиғини тезроқ тиклаш мақсадида қисқа муддатли отпускага, — уйига қайтаётганида Алижоннига тушди. Оғир бўлса-да, разведка воқеасини, ўғлиниг сўнгги марта «онажон» дея илтижо қилиб, ўз қўлида жон берганини гапириб берди. Муштипар она ҳушдан кетди. Сўнгра мунгли фарёд фалакни ўртаб юборди. Валижон ана шунда иккинчи марта катта хато қилганини, умидвор кўнглини ноумид, бутун кўнглини яримта қилганини англади. Аммо кейинги ўқинч — кеч эди. У зор-зор йифлаб, Барно хола билан хайрлаши. Бу аччиқ армон Валижон қайта фронтга кетиб, қуршов туфайли «бедарак» йўқолганида, партизанлар қўшилмаси сафида Фалаба кунларигача юрганида ҳам юрагини тирнаб келди. Алижоннинг сиймоси эса қалбида бир умрга ўчмас ҳайкал бўлиб қолди...

— Дадажон, бувим чақиряптилар, овқатингиз совиб қолипти.

Тўсатдан эшитнгап овоз Алижон аканинг хаёлларини бўлиб юборди. У бошини кўтарганида қаршисида Моҳигул жилмайиб турганини кўрди.

— Яхши, она қизим, дадам ҳозир келарканлар деб айт, хўпми?

— Хўп дадажон!

Моҳигул кетгач, Алижон ака тараддулданиб қолди. Хўш, нима қилсин? Хатни кўрсатсинми? Қампир дили хасталаниб қолмасмикин? «Ўлим элчиси» бўлган дўстининг келаётганини эшитса, нима дер экан? Оналар кўнгли тоғдек бардошли бўлса-да, қилдан ҳам нозик-ку!.. Шунчалар чигалмисан, ҳаёт?! Кўнглим, қани жавоб бер, сенинг фармойишинг қандай бўлади? Ахир у шундай бўлишини истаганмиди? Ўлим менинг бошимда қаҳ-қаҳ уриб турганида Валижон танлаган сўнгги йўл тўғри эмасмиди? Агар иложи бўлса, у мени ташлаб кетармиди?

«Қабрим» ни ҳам кейин келиб излаган экан-ку!.. Шундай экан, нега бунча ўйлайди? Йўқ, иккиланишнинг ҳожати йўқ. Ҳамма гапни айтади. Она қалби ҳамиша буюkdir!..

Алижон ака хонага кирганида Барно хола келини ва неваралари даврасида очилиб-сочилиб ўтиради. Бир вақтлар фарзанд доғида нурсизланган кўзлари атрофдагиларга шод боқади.

— Кел, болам, бунча ҳаялладинг? — деди Барно хола хонтахта олдида ёнбошлаган Алижон акага бир пиёла чой қуиб узатаркан, — тобинг йўққа ўхшайди.

— Йўқ, онажон, дурустман. Лекин-н...

— Бир дардинг борга ўхшайди, ўглим. Яширма мендан.

Алижон ака бир оз сукутга тушди, чайналди. Атрофдагиларга бир-бир боқди, сўнгра Барно холага юзланди:

— Яширишнинг ҳожати йўқ, Сизга битта гапни айтмоқчиман.

— Қайси гапни! — қушёрланди Барно хола.

— Дўстим Валижон бизникига келаётган экан.

— Қайси Валижон?

Алижон ака чўнтағидан конверт чиқарди. Ундан буқланган қофозни олиб, секин ўқишига тушди. Аввалига кампир ҳайратга тушди. Лаблари пирпираб, ранги ўзгарди. Ҳозиргина кулиб турган нуроний чехрасига аччиқ изтироб югурди. Барваста қадди муштдек эгилди. Хат ниҳоясига етганда эса унсиз-унсиз йиғлади. Бувининг кўз ёшлари неваралар қалбини ҳам зирқиратди. Хандон хонани бир дамда сўлғинлик эгаллади.

— Болам, — деди анчадан сўнг Барно хола узун енглари билан кўз ёшларини артаркан, — кўп йиғлаган кўп одам қалбига чуқур назар ташлайди. Аслида ўзи бу дунё — армонли дунё. Ҳеч кимнинг бутун кўнгли бутунлигича қолиб кетган эмас. Инсон кўнгли ҳамиша яримта: нимагадир зор, нимагадир умидвор. Ярим кўнглинг, умидвор кўнглингда ҳозир нималар кечаялти, билиб турибман. Дўстинг Валижонда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Ҳам-

масига ўша номинг ўчгур уруш сабабчи. Валижон ўз бурчини бажарган. Келаверсин, уйимиз тўри уники... Илоҳим, энди ҳеч кимнинг дийдасида абадул-абад ёш қотмасин!..

## ● ОЧИҚ ЭШИК ●

**Б**у уйининг эшиги ҳаммавақт очиқ туради. Уй остонасидан атиги тўрт-беш метр нарида текис асфальт йўл. Қичкина ариқча бўйида илдиз отган бир туп тут ниҳоли эшикнинг нақ рўпарасида. Қечагина ям-яшил бўлиб ётган япроқлари бугун қаҳрабо тусга кирибди.

Эшик қаршисига келиб, уйга боқсангиз, бир нуроний кишини кўрасиз. Соқоллари паҳтадай оппоқ. Манглайларида тарам-тарам ажинлар. Узун ва қуюқ киприкли кўзлари мудом узоқларга тикилади. Бу киши — Эгам бобо! Қишлоғимизнинг табаррук отахони. Ёшлари учкам тўқсонда.

Бобо очиқ эшик олдидан сира жилмайдилар. Эшик ёпилса, юраклари сиқилидими дейман. Тўрт йил бўлибдики, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганлар. Қексалик, дармонисизлик касали әмиш. Отахоннинг ёнидан эса одам аримайди. Қатта ҳам, кичик ҳам эшик қаршисига келганида қўлинни, албатта, кўксига қўяди. Бобониям кўнгиллари жуда очиқ. Баъзан ёстиқдан бош кўтара олмасалар-да, кулишга, жилмайишга ҳаракат қиладилар. Бирорвонинг дили ўксимасин дейдилар чамамда.

— Бўтам, келиб туринг, одамнинг дардини одам енгиллаштиради,— дейдилар кетар чоғингизда. Сўнг ташқарига — узоқ-узоқларга тикилиб қоладилар...

Қачон қишлоққа қайтсам, бобони кириб кўришга ҳаракат қиласман. Қари билганини пари билмас деганлар. Кўп насиҳат қиладилар. Айниқса, ёшларга. Назаримда у киши тирик хазина.

Бу гал ҳам бобони зиёрат қилишга аҳд қилдим. Тушпайти. Қишлоқда ҳеч ким кўринмайди. Ана, идора то-

мондан каттакон машина шитоб билан келаяпти. Шофер йигит бир вақт тезликни пасайтириб, кабина ойнасидан очиқ эшик томонга бош силкитди. Салом берди чамамда. Кейин аввалгича машина газ берди. Фурсат ўтмай бошқача ҳолат такрорланди: колхоз агрономи Очилбай ака эшик қаршиисига келганда мотоциклга тор-моз бериб, ичкарига кирди. Бир оздан сўнг алланималар дея уйдан чиқди.

— Эгам бобони кириб кўрдим, соғликлари ёмон эмас экан.

— Яхши қилибсиз, — дедим у билан салом-алик қила туриб,— мен ҳам ҳозир кўриб чиқаман...

Очиқ эшикка яқинлашиб, бобога таъзим билан салом бердим. Ёнларида умр йўлдошлари — Робия хола. Чой қуиб турибдилар.

— Кел, бўтам, омонмисан, — дедилар оппоқ рўмолча билан юз-кўзларини арта туриб. — Онаси, кўрпача сол, чой қуиб узат.

— Ташвишланманг, холажон, шундайм дуруст, — дедим чолнинг рўпарасига ўтиарканман.— Сизни бир кўрай девдим. Қалай, тузалиб қолдингизми энди?

— Шукур, бўтам. Дўхтирлар келиб, дори-дармон қилиб туришибди. Тузукман...

Шу пайт бир дона тут барги хонага учиб кирди. Эгам бобо уни оҳисталик билан қўлларига олдилар. Кейин ташқарига қўз тикдилар. Осмон тиниқ. Иссик хароратдан тунгги шабиам секин туманлаб кўтариляпти. Иккни жуфт кантар эса асфальт йўлда бир-бирини қувалаб, ку-кулашади. Чолга халал бергим келмади. Ким билсин, шу топда йигитлик йилларини эслаб кетдиларми?! Колхоз тузиб бригадирлик қилганликлари, гектаридан 60-70 центнердан пахта ундирганликлари эҳтимол хаёлларида чарх ургандир. Балки фронтга гуруҳ-гуруҳ йигитларни жўнатиб, саноқли кишиларни кутиб олганликлари, «болам», деб, «қайда қолдинг, азиз йўлдошим», дея фарёд урганлар қўз олдиларида ўнгланган бўлса ажабмас...

— Отахон, бугун колхоз планини бажарибди, — дедим жимликка хотима беришга уриниб.— Идорага кетяпман. Радиодан маҳсус эшиттириш, концерт бермоқчилигиз.

— Кўп яхши-да, бўтам. Колхозчиларни менинг номимдан ҳам табриклаб қўй. Лекин ортиқча шов-шув, дабдаба қилманглар. Колхоз тўлса, район тўлганни, район тўлса, область тўлди дегани эмас. Ҳали республиканинг юки катта. План ҳамма ерда бажарилса, истаганча завқу шавқ, хурсандчилик ўшанда ярашади. Эшиттиришингда шуларниям эслат...

Очиқ эшикдан ташқарнга чиқдим. Борлиқ мусаффо. Қуёш кўк пештоқида. Идора атрофида ҳеч ким кўриниб майди. Ҳамма далага — пахта теримига отланган чамамда...

## ● СОВФА ●

**Б**ир неча кундирки, Маҳмуд бобо тўшакда. Ана кетди, маия кетди бўлиб ётибди. У ер-бу еридан лойсувоқлари кўчган мўъжазгина хонага кириб-чиқувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Бобо қизлари, куёвлари, узоқ шаҳардан келган ўғли ва келини билан, невара-эваралари билан, бир-бир дийдорлашмоқда. Уннинг сўниб бораётган кўзларидан ёш оқади. Гоҳо киприкларини юмиб, узоқ жим қолади. Оғир хўрсиниб, лабларнга оқиб тушган кўзёшларини чўпдай озғин, қоқсуюк қўллари билан аста артади. Сўнг кўзларини базур очиб, алланима дея пичирлайди.

Бобонинг бетоқат ҳаракатидан ҳамма ҳаяжонда. Увос солиб йиғлаган невара-эвараларини ташқарига олиб чиқишидн. Бироқ суюкли невара — Орифжонни қимирлатишнинг иложи йўқ. У ниманидир бағрига босганча тўшак ёнидан жилмайди. Миттигина қўлчалари билан ҳар за-

мон бобонинг кўзёшларини артади, оппоқ соқолларийи силайди.

— Бобожон, кўзингизни очинг, бугун байрам, йигламанг, сизга совға келтирдим,— дейди чолнинг боши устига энкайиб,— мана, дадам, нанам сизга куйлак келтиридик. Туринг бобожон!..

Катта ўғил лабини тишлайди. Қизлар, куёвлар унсиз ииғлашга тушадилар.

— Вой, болажоним-эй, ҳозир бобонгнинг кўзига совға кўрнадими,— аста пичирлайди эшик орқасида ўтирган Дилдор хола.

— Болани олиб чиқинглар,— дейди келинлардан бири.

Катта ўғил лабини тишлайди. Қизлар, куёвлар унсиз ганда, у: «Кетмайман, ўзимнинг бобом, бобожоним, кетмайман», дея оёқ тираб олди.

— Тў-ўх-та, ўў-ff-лим,— дея мажолсиз шивирлаб, кўзларини очди бобо,— қўя-явер, ўтирсин!

Фолиб Орифжон бир нималар дея яна тўшак олдида чўнқайди. Бобо болиш устидаги нозик бармоқчаларини бир лаҳза кафтлари орасига олиб, аста юз-кўзларига сурди, пирпираётган қонсиз лабларига босди.

— Сен мени «қор бобо» деярдинг-а, Орифжон! — оппоқ соқолларини тутамлаб, зўрга сўзга киришди бобо.

— Ҳа, қор бобомсиз, бобожон.

— Тилингдан ўргилай, болам. М-мени я-яхши к-кўрасаними?

— Жуда яхши кўраман, бобожон.

— Қ-қайси кўзинг билан, чирогим?

— Иккаласи билан, бобожон! Икки кўзим билан!

— Шу юлдуз кў-ўзларинг билан-а?

— Ҳа, бобожон!

— Илоҳим кўзларнинг минг йил ёнсин, болам. Қ-қанин айт-чи? Менга н-нима с-совға келтирдинг?

— Куйлак, бобожон. Мана, шойи куйлак,— Орифжон ялтироқ қофозни бирпасда очиб, кўйлакни бобосининг кўкраги устига қўйди.

— Ра-аҳмат, чироғим. Сен ақллисан...

Бобо бирпас сукутга чўмди. Атрофда жовдираб, лаб тишлиб турган кўзларга нурсиз нигоҳлари билан бир-бир боқиб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Ётаверинг, отажон,— чўққалади кичик ўғил,— бе-зовталағанманг. Нима қилмоқчисиз?

Бобо ҳарчанд уринмасин, туролмади... Яна бошини бо-лишга ташлаб, чуқур хўрсинди.

— Болишнинг остида тугунча бор,— деди анчадан сўнг бобо,— менга олиб бергин, ўғлим.

Кичик ўғил аста қўл узатиб, тугунчани отасига тут-қазди. Бобо хийла уриниб, тугунни ечди. Тугунча ичидан оҳори кўчган бир қанча орденлар, медаллар бор эди. Бобо ориқ бармоқлари билан узоқ пайнаслаб, улардан бирини қўлига олди.

— Орифжон, ч-чирогим, бер-рироқ кел,— невара-сига юзланди бобо, — мана бу мендан — қорбобонгдан сенга совга. Майли, тақиб юр. К-катта бўлганингда бо-бонгнинг кимлнгини бил-либ о-оларсан!..

— Раҳмат, бобожон, яшасин ўзимнинг қорбобом. Мен буни ҳеч кимга бермайман. Ўзим тақиб юраман. Жўрала-рим бир кўриб қўйсин,— қувончдан кўзлари пориллаган Орифжон нозиккина кафтида ялтираб турган «Қизил юл-дуз» орденини бағрига босганча, кўчага отилди.

Она боланинг «қилмиши»дан пиқиллаб йиғлашга туш-дя. Қатта ўғил рўмолчасини кўзларига босди. Қолганлар ҳайрат ва ҳаяжонда.

— Болам,— деди бобо қилт этиб ютиниб,— худо ум-рини берсин, Орифжон ўғлинг яхши одам бўлади. Унинг бутун вужудига меҳр қоришган. Эҳтиёт қилиб, тарбияла. Кўп кузатганман уни. У жуда ақлли бола. Айрим катта-лардан ҳам ақллироқ!.. Бугун 23- февраль. Бобосига сов-ға келтирибди-я, менинг чироғим... Радиодан эшидим. Кеча йиғилиш бўлибти... Ҳар йилгидек уруш инвалидла-рига совға беришибди.... Мен ҳам кутгандим... Йўқ, уну-тишган кўринади...

— Отажон, шуниям ўйлайсизми? Арзимаган совғага зормисиз? Ҳозир юзтасини келтираман.

— Арзимаган дема, болам. Сенинг совғанг бошқа. Бу — кўнгилда!.. Бошқалар қатори... Ҳали тирикман-ку!..

Бошлар қуий эгилди. Дилларга изтироб чўқди. Ҳеч ким ўйламаган совга муаммоси нигоҳларда муз бўлиб қотди. Қизлар елка қисишиди. Ўгилларининг бири орадан секин суфурилди.

Бобонинг кўзлари эса аста юмилди. У элас-элас нафас олади. Хонада осма соат бир маромда чиқиллади.. Катта ўғил ҳам бош қашиб, эшикка йўналди. У саросимада. Нима қилмоқ даркор? Идорага борсинми? Нима деб? Отамнинг совғасини беринглар, десинми? Асло! Наҳот, одам қадри фақат соғлигида эътиборга олинса?! Йўқ, у колхоз идорасига бормайди...

Катта ўғил бирдан сергакланиб қўшни хонага кирди. Апил-тапил сандиқни очиб, яқинда ўзига олган костюмни газетага яхшилаб ўради, устидан каноп ип билан боғлади. Шоша-пиша ташқарига чиқиб, ота ётган уйга кирди. Хонада ҳамон сукунат.

— Ота, отажон, — деди у тўшак ёнида чўккалаб. Бо-бо уйқуга кетган экан шекилли, кўзларини зўрға очди.

— Нима дейсан, болам?

— Онам Сизга айтишни унугибдилар. Бугун эрталаб совғанлизни юборишган экан. Мана, нариги хонадан олиб келдим.

— Алдама мени, болам. Совғани сўраб олмайдилар. Ҳар ишнинг ўз мавриди бор. Элтиб бер ўзларига...

Бобо оғир инқиллаб, тескари ўгирилди. Катта ўғил ҳайкалдай қотди. Қалтираган қўлларидан совға гиламга тушди. Ў изтироб билан ўрнидан қўзғалди. Бўғзига тиқилган алам ва надоматни ютиб, ҳовлига чиқди. Пастаккина дарвоза олдида ҳеч нарсадан хабарсиз Орифжон бобонинг «Қизил юлдуз» орденини кўйлагига таққанча жўралари даврасида мағрур жилмайиб турарди...

Тонгга яқин ҳовлидан юракни ўртовчи «ота-жо-он!» деган фарёд фалакка кўтарилди.

## ● РАУФ БОБОНИНГ ТАЛАБИ ●

(Воқеий ҳикоя)

**Б**у воқеани менга райком секретарининг ўзи сўзлаб берди.

— Ёзиш керак, мана шундай фидокор одамларни элга кўрсатиш керак. Фронтовой бўлсаям, баъзи йигитлар чўчийдиган ишни бўйнига олганди. Уддалади, қандини урсин. Яна районда бирнинчи! — қувонч ва ҳаяжондан секретарининг кўзлари чақнарди...

Ийлнинг бошлари эди. Ташқарида лайлак қор ёқан. Изгирин шамол дараҳт шохларини қарсиллатади. Қалин пахтали, узун гулли чопон кийган паст бўйти, чўққи соқолли бир киши райком биносига кираверишдаги эшик олдидаги тўхтади. Эгнидаги, қулоқчинидаги қори туширгач, тутқични тортиб, ичкарига кирдн.

— Орипов бормилар?

— Ҳа, борлар, — деди чолнинг саволига қисқа жавоб қайтарган қоровул. Иккинчи қаватда эса унга секретарь қиз дуч келди.

— Қирсам мумкинми?

— Ҳозир сўраб чиқаман.

Бир оздан сўнг қиз бобони ичкарига таклиф қилди:

— Кирар экансиз!

Чол «Райком секретари» деб ёзишган дермантинили эшикни оҳиста очиб, секин мўралади.

— Э, э, киравермайсизмн, отахон.

Улар самимий кўришишди. Ўзаро бола-чақа, туриштурмуш суринтирилди.

— Хўш, отахон. Қандай хизмат? — атрофи зарҳал пиёлала чой қуиб узатаркан сўради Жўрақул Орипов, — бир гапингиз борга ўхшайди.

— Ҳа, райкўм болам, бор. Буни Сиз ҳал қилмасангиз, раисни сира кўндиrolмадим. Сандалига зардоли-нинг оловидан солиб, мазза қилиб ётинг, дейди у.

— Жуда қизиқ-ку!

— Қизиқ бўлмай кетсин. Нима эмиш, етмишдан ошаяпсиз, Жилвоннинг шамоли сиздақаларни чархпаплак қилиб осмонга учиради, дейди-я! Ҳей, раис, Рейх-стагга номини ёзган мана шу қўллар чўлни таслим қи-лолмайдими? Бир йигитчалик ишламасам, Рауф Ашур деган отимни бошқа қўяман, дедим...

Секретарь чолнинг сўзларидан завқланар, унинг ну-роний чеҳрасига боққан билан тўймасди.

— Шунаقا денг. Охири нима бўлди?

— Ҳеч нима! Чўлгаям бормайсиз, бирон кишини ҳам бермайман. Агар қўлнингиз қичиётган бўлса, колхоз боғига келиб ишланг, деди.

Чолнинг юзлари асабийлашди. Чопонининг чап қўлтиғидан қўлрўмлчасини чиқариб, кўзларини обдон артди.

— Гап бундай, отахон,— деди секретарь бир оздан сўнг елкасига ташланган пальтосини тўғрилаб, — раис-га тушунтираман. Талабингизни қондиради.

— Отайизга раҳмат. Битта самосвал, битта тележка, уч-тўртта одам берсаларинг бўлгани. Жилвоннинг та-нобини тортишни кўраверасиз.

— Толиқиб қолмасангиз бўлгани.

— Йўғ-е райкўм болам, собиқ танкчи Рауф бобон-гизнинг ҳали юрагида қўри кўп, — хурсанд бўлиб ўрнидан қўзғалди у, — шу йил мендан пахтани суришти-раверинг. Районда биринчи бажармасам...

— Яхши, отахон! Жўжани кузда санайдилар...

Кунлар ўтди. Колхозда дув-дув гап тарқалди. Нима эмиш, Рауф бобо қариликка йўрғалик деб чўлга отла-

нармиш. Унга Аҳмад тракторчи, Рўзиқул шофёр, Жўмабой дурадгор, ўғли Ражаббой ҳам аъзо бўлармиш.

— Қўйилмаган чол, — деди Барно хола бир куни эрига зарда билан, — йигирма беш йил бригадирлик қилганингиз етмасмиди? Сизга нима зарил?

— Хўш, сенинг қошингни тераманни бекор юриб. Агар мендан умидинг бўлса, ўзинг ҳам бирга борасан.

— Ҳо, бир камим шу эди!

— Энди, онаси, гапни тушун. Сен ҳам, мен ҳам учтўрт йил уйда ётавериб, моғорладик, — ётиғи билан сўз бошлади Рауф ота. — Қел, бир ўзимизни синааб, ёшлигимизга қайтайлик...

— Спз-ку бригадирлик қиласиз, — шаштидан тушиб мулоҳимлик билан деди Барно хола, — ман нима қиласман?

— Эски пазандасан-ку!..

Қиши кўчмай чўлқуварлар Жилвонга келишди. Яйдоқ даштда на бирор дараҳт, на пана жой бор. Уларнинг «шийпони» эски автобуснинг кузови бўлди. Шу «иссиқ хона»да дастлабки планлар тузилди, эзгу ниятлар тугилди.

— Эллик гектарни очиб, ярмига пахта, ярмига сабзавот экамиз! — чўлқуварларнинг аҳди шундай эди.

Ердан майсалар ниш уриб, лолақизғалдоқлар лаб очганда, улар тракторга тормоз беришди. Белгиланган майдон кафтдек текисланган эди. Кўп ўтмай чигит ҳам, сабзавот уруғи ҳам ерларга қадалди.

— Фўза — бамисоли бола. Унга меҳр керак. Меҳрсиз ўсан фарзанд эса камолсиз бўлади. — Рауф ота шундай дея уқтиради аъзоларига.

Чўлқуварларнинг «болалари» бошдан яхши парвариш топди. Шундай ҳосилли бўлдики, кўрганда кўз яшнарди.

— Фалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди! — бригадир шундай дея аъзоларига этак тақсимлади. Аҳмад тракторчи билан Рўзиқул ва яна икки ёрдамчи йигитлар

«зангори кема»ларини пайкалга олиб тушишди. Қунига ўн-ўн беш процентдан пахта тайёрланди. Теримнинг саккизинчи куни Рауф бобо яна районга йўл олди. Унга районом биноси олдида ўша қоровул учради.

— Ие, ота, кўринмай кетдингиз.

— Биродар, кўринадиган пайт эмас эди.

— Ҳозир аввалгидан ҳам оғирроқ-ку!

— Биламан. Аммо рапорт олиб келдим.

— Ундай бўлса, — деди қоровул Рауф отага қўлини оғзига «пичоқ қилиб», — «Люкс» сўранг. Районом планини районда биринчи бўлиб бажарган бригадирга беришга қарор қилган. Қатъий талаб қилинг!

— Кўрамиз!

— Рауф ота кабинетга кирганида районом секретари аллақандай қофозларни кўздан кечираради.

— Э, бу сизмисиз, хуш келибсиз, — деди у отахонни кўриши биланоқ,— ассалому-алайкум. Хў-ўш, яна арзми?

— Иўқ, ўртоқ Орипов. Асло ундай эмас. Берган ёрдамингизни сира унутмаймиз. Хушхабар олиб келдим.

— Қандай хабар экан?

— Мана, рапорт!

Районом секретари Рауф бобо қўлидан буқланган қофозни олиб, йирик ҳарфлар билан ёзилган сўзларни овоз чиқариб ўқий бошлади: «...янги ўзлаштирилган 25 гектар ернинг ҳар биридан 25 центнердан «оқ олтин» ундиридик. 100 тонна қовун-тарвузни эл дастурхонига тортиқ қилдик. Давлатга яна 20 центнердан пахта топширишга қатъий сўз берамиз...»

— ...Раҳмат, отахон. Сизларга минг раҳмат! Хўш, — деди бир оз жимлиқдан сўнг секретаръ Рауф бобога савимий оҳангда,— менда қандай талабингиз бор?

— Ҳеч қандай!

— Тортинмай айтаверинг. Қароримиздан хабарингиз бордир.

— Тўғрисини айтсам, бу галги талабим оғирроқ, — хиёл бош эгиб турди Рауф бобо. Қейин қатъий қилиб

деди: — сводкаға қарасам, орқароқда эканмиз. Қандай қилиб бўлсаям, Шоғирконни биринчи ўринга олиб чиқинг. Районимизнинг шуҳратини бутун республика билади.

Орага жимлик чўқди. Райком секретарининг ҳозиргина кулиб турган чехраси ўйчан қиёфага кирди.

— Яхши... Балки шахсий талабингиз ҳам бордир, — қўшимча қилди у.

— Йўқ, шахсий талабим йил охирида бўлар. Ҳозирги талабим эса — қатъий талаб!..

## ● УЗ ИСМИНИ УЧИРГАН СОЛДАТ ●

**К**омил ота эрталаб идорага кирганида раис телефонда аллаким билан сўзлашаётган экан. У гапни чўзмай, трубкани тез ўрнига қўйди.

— Ассалому алайкум, Комил ота. Қани, қани, мана бўёқقا ўтинг.— Раис чолни қўярда-қўймай диванга ўтқазди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

— Чақиртирган экансиз, ўглим.

— Ҳа, чақирган эдим. Гап бундай, Комил ота: мана бу — пугёвка!

— Нима қиласман буни?

— Бир айланиб келинг отпускангиэда. Уйда ётаверасизми, могорлаб.

— Қўйсангизчи, раис болам, қарилликда йўрғаликни ким қўйибди менга.

— Нега бундай дейсиз? Яхши ишлаган одам яхши ҳордиқ чиқариши ҳам керак. Дала ишларини бўлса ўзимиз қиласверампз. Йигирма кунда бригадангиз чўкиб қолмайди.

Комил ота у деса, раис бу деди. Ҳар қанча баҳонани рўйкач қиласа-да, бўлмади. Собиқ гвардиячи, қатор орденлар кавалери, илгор бригада бошлиги Комил ота

Жабборов Қаҳрамон шаҳарларга саёҳатга кетадиган бўлди.

Бу саёҳат Ғалаба байрами олдидан уюштирилганлиги, табаррук шаҳарларга фақат фронтчи отахонлар жўнатилаётганлигини у вокзалда — поездга чиқаётганида эшилди.

Комил ота маҳсус купенинг юмшоққина ўриндиғида боя танишгани янги ҳамроҳи билан ўтирас экан, чўққи соқолларини тутамлаб, хаёлга толди. Чорак асрдан ошибдики, у пахта даласида. Ёзни ёз демайди, қишини қиши. Бир неча марта ариза берди. «Биродарлар, ёшим ўтиб қолаяпти. Бел оғриғим бор. Бригадирликни энди ўқиган ёшлар қилишсин. Биз ҳам бундоқ тўрт-беш кун дам олайлик», деса ҳамки, унашмади. Айниқса, раис: «Ота, Сизга ҳали нима бўлти? Соқолингизга бир тола оқ тушмаган-ку, қаридим деяпсиз. Ахир Сиз — деҳқончилигимизнинг академигисиз. Ҳали ўқиб келган ёшлар Сиздай пахтакор бўлгунча, ернинг тилини, экиннинг дилини англагунча битта йигит ёши керак. Бригадага бошқош бўлиб, рулни мана бундай бошқариш лозим, дея турсангиз, ўзи етарли. Манзилни биз — ёшлар аниқ олаверамиз. Дам олишга келсак, Сизни бу йил албатта узоқроққа жўннатаман», — дея туриб олди. Омон бўлгур, эсидан чиқармаган экан.

— Комилбой, келинпошша уйда якка қолдиларми дейман, бунча ўйловга толдингиз?

— Ҳе, ўлманг, Нодир ака, — деди Комил ота ҳамроҳининг ҳазилидан сергакланиб,— кампир-ку якка қолган эмас. Шукур, бир ҳовли невара-чеварамиз бор. Мен буёғи қандоқ бўларкин, деб ўйлаяпман. Уч ҳафта поездда йўл юриш осон эмасдир-ов.

— Ўзлари бундан олдин саёҳатга чиққанларми, ёки...

— Саёҳатга биринчи, аммо поездга шу йўлдан иккинчи чиқишим.

— Ана холос, бутун жаҳонгашта экансиз-ку! Бара-  
калла, Сиз-га-е!

— Қандай тушунтирсам экан Сизга, Нодир ака, жу-  
да кеч уйланганман. Бола-чақалар ёш эди. Уларнинг  
таълим-тарбияси дегандай. Қарабисизки, умр мана шу  
поезддай гупиллаб ўтиб кетипти.

— Неча йил урушгансиз?

— Менми? Етти йил! Фин урушига худди ана шу  
йўлдан товарнида жўнаб кетганман. Хизматим тугаб,  
энди уйга қайтаётганимизда фашистлар рўпарамиздан  
чиқиб қолди. Яна қўлга қурол олдим. Берлингача бор-  
дим, кейин японлар билан жанг қилишга тўғри келди.  
Сўнгра икки йил чегарада хизмат қилдим.

— Үлмаган жонингиз, бошингиз тошдан экан, оғай-  
ни,—деди Нодир ота ҳайратомуз,— биласизми, битта  
ҳамқишилогим бор. Умри олиб-сотарлик билан ўтди. Шу  
одам урушнинг сўнгига хизматга чақирилган. Билмадим,  
фронтни кўрганми, йўқми. Лекин ҳар икки гапининг  
бирида: «Биз уруш кечганмиз, биз қон тўкканмиз Сиз-  
лар учун», дея чиранади. Үзига балоям тегмаган. Вете-  
ранман деб бош суқмаган жойи йўқ. Ҳали қарасангиз  
Райпода, ҳали ёғоч складида, ҳали қарасангиз, маши-  
намни янгилаб беринглар деб раийжроком идорасида.  
Раҳбарларга ҳам раҳмат, уруш ветерани деб сўзини  
ерда қолдиришмайди. Шу одам саргузаштларингизни  
бир тингласа, қилмишларидан уялиб қоларми дейман.

— Ҳар кимнинг йўриғи бошқа, Нодир ака, баъзан  
уринганники эмас, чиранганники ўтади. Қелинг, ўйла-  
манг ўша қағиллаган ғозингизни. Ҳўш, ўзларидан сў-  
расак, қайси фронтда урушгансиз, орден-медаллардан  
борми? Ё ўзлариям...

— Шайтонга ҳай денг, Комилбой, Сиздай бўлмасак-  
да, биз ҳам Гитлернинг гўрига ўт қалаганларданмиз.  
«Шуҳрат» кавалери бўлишимизга озгина қолган.

— Ҳали шунаقا денг. Үзр унда, Нодир ака, узр,

ўзимни эр билиб, Сизнинг шерлигингизни фаҳмламабман...

Собиқ фронтчи ҳамроҳларнинг гоҳ изтиробли, гоҳо ғамгин, гоҳо шавкатли жанговар саргузаштлари иккимич кун тақрор-такрор тилга олинди. Ниҳоят улар тушган поезд дастлаб Волгоградда, Москва ва Ленинградда тўхтади. Ветеранлар ўзлари жанг билан кечган шаҳарларни, музейларни ҳаяжон билан томоша қилишди. Ўртоқлик қабристонлари олдида тиз чўкиб, шаҳидлар хотирасини ёдга олишди, гулчамбарлар қўйиши. Ниҳоят бир неча кундан сўнг уларни Одесса самимий қаршилади. Комил ота шаҳар кўчалари бўйлаб юаркан, кўзига элас-элас танишдай туюлаётган, аччиқ порох турунлари ичра эмас, олдида баҳайбат дарахтлари бўй чўзган, пойида анвойи гуллар яшнаётган савлатдор биноларга сукланиб қарап, гўё олисда қолган шинелли ёшлик йиллари бир лаҳза жонлангандай бўларди. У ана шу шаҳар учун, унинг ҳар бир қарич тупроғи учун кўксини қалқон қилгандардан эди.

Шаҳардан унча узоқда бўлмаган бир қишлоқга бориша Комил ота айниқса қаттиқ ҳаяжонланди. Шундоқ дengизга туташ баланд тепаликда фидойилар хотираснга салобатли эсадалик — лавҳа ўрнатилиди. Ота мармар лавҳага битилган саноқсиз номларга энтикиб, кўз ташлади. Ёраб, кўнгил хотирасидан кўтарилай деган таниш қуролдош дўстлари. Пастроқда ўзининг ҳамқишлоғи, омонисиз тўқнашувда душманинг дайди снарядига «ем бўлган» қадрдон жўражонининг исми шарифи. Алам қилгани шунда эдикки, у дўстини сўнгги йўлга кузатишга улгуролмаганди. Агар унинг ҳаётини ҳам тубсиз гирдобрларга отган ўша жанговар буйруқин баҳармаганида балки ўз қўллари билан она-тупроққа топширармиди уни!.. Хаёлининг сўнгсиз ипини бир дамгина бўшатган Комил ота мармар лавҳанинг иккинчи қаторига юрак ютиб, яна аста тикилди. Тикилди-ю, кўз олди қоронғилашди. Баданига нохушликдан сесканиш-

ми, титроқми киргандай бўлди. У бутун идрокини тўп-лаб, ўша биринчи шаҳидга такрор нигоҳ қадади. Йўқ, адашмаяпти: ўзининг исми, фамилияси, туғилган ва ҳа-лок бўлган йил рақамлари. Ҳаммаси Комил Жабборовга — тирик юриб, ўликлар сафндан жой олган кимсага аниқ-таниқ тегишли!

Ота ҳаётнинг озори-ю, нотантиликларини анча-мунча кўриб, бардош этган. Лекин буниси қанақа бўлди? Тақ-дирнинг бу шум «ўйини»га индамай, дамини ичига ютиб ҳеч нарсани кўрмагандай кетаверсингми? Бирор-дан ушбу хабарни эшиганида ҳам балки учалик пар-во қилмасди. Ҳўш, нима қилсан? Айтсинми? Ҳамроҳ-ларига, уларни томошага олиб келган мухтарам мезбон-ларга воқеани англатсинмикан?

Ота пароканда хаёллари билан «олишиб» тураркан, бирор уннинг қўлтиғидан қўлини аста ўтқазди.

— Ҳа, Комилбой, Сизга нима бўлди? Бетобмисиз?

Ота «йўқ» дегандай оҳиста бош чайқади. Қорамтири соқолини тутамлаб, пойида мавжланиб ётган денгизга бирпас тикилди. Бепоён уммон гўё бўлиб ўтган воқса-нинг тирик гувоҳидай бир маромда қиргоққа бош урар-ди. Отанинг беором кўнгли дengiz мавжларидан тасал-ли топди шекилли, ҳамроҳига секин бурилди.

— Нодир ака, — деди у ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангида, — тирик юрган одамни ўлганлар рўйхатига қўшиб қўйганларини кўрганмисиз?

— Ҳўш, хўш, ким экан у тирик нотавон?

Ота томоғига тиқилиб келган тупукни зўрға ютиб, оғир чайналди:

— Мен-н!

— Нима, Сиз?!

— Ҳа, мен! Мана у мармар лавҳага қаранг. Исми-фамилиямни ўйиб ёзишипти.

Нодир ота қўйин чўнтагини ковлаштириб, хира кўз-ларига кўзойнагини олиб тақди. Яқинроқ келиб, шаҳид-лар рўйхатига обдон тикилди.

— Во ажаб, наҳотки шу Сиз бўлсангиз, Қомилбой? Балки бошқа Жабборовдир! Дунёда бир-бирига ўхшаш отлар жуда кўп-ку!

— Йўқ, Нодир ака, бу — менман! Чунки худди шу тепалик учун урушнинг бошида бир марта «ўлиб», кеянн тирилганман, госпиталда!

— Э, ҳа, шундай денг! — бир оз хаёлга чўмди Нодир ака, — назаримда, госпиталдан сўнг ўз қисмингизга қайнтмагансиз шекилли.

— Тўгри айтдигиз, узоқ даволанишдан сўнг бошқа қисмга тушиб кетганман.

— Йўқса, бунақа «ўлиб» қўрмасдингиз. Сиздан бошқа дарак бўлмагач, қўймондоғик номингизни фидойилар рўйхатига тиркаб қўйган-да! Ўнинг учун ҳеч кимдан хафа бўлманг. Бу хатолик ҳам ўша омонсиз урушнинг бизнинг юракларимизга битмас қилиб ўйиб кетган ярасидай гап. Аммо буни тузатса бўлади.

— Қандай қилиб, Нодир ака?

— Энг тўғри йўл — мезбонларимизга саргузаштларингизни очиқ айтиб берасиз. Улар албатта бир хуло-сага келишади. Бўлмаса, — жилмайиб, қўшиб қўйди Нодир ота, — бир умр ўлмай «ўлиб» юраверасиз.

Комил ота ўйлаб кўрса, дунёни кезавериб, хийла тажриба орттирган суҳбатдошининг маслаҳати тўғри. Хўш, бу «сир»ни яшириб ҳам нима қилади. Армон армонлигича қолиб кетаверадими?

Бу мушкулликни Нодир ота ҳал қилгандай бўлди. У саёҳатчи-ҳамроҳларига, ҳарбий комиссариат вакиллари — мезбонларга воқеани қисқача сўзлаб берди. Тўплангандарнинг кўпчилиги ҳайратдан ёқа ушлашди. Айримлар Комил Жабборов номини лавҳадан ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқишга тушилди. Барчанинг илтимосига биноан ота тепалик учун «шахид» бўлганининг тафсилстини ҳикоя қилишдан ўзга илож тополмади.

...Урушнинг дастлабки ойлари. Одессани қамал қил-

ған душман шаҳарни тезда қўлға киритишга қатъий буйруқ беради. Муҳим стратегик таянч ҳисобланган ма-на шу тепалик учун шиддатли жанглар бошланади. Мудофаада турган қўшинларимиз ҳамда артиллериачилар душманнинг олға силжишига йўл бермайдилар. Фа-шистлар танклар билан олдинга ташланади. Бу тадбир ҳам зарбага учрайди. Шунда душманга «Миссершмидт»-лар ёрдамга келади. Натижада пиёда аскарлар ва ар-тиллериачилар ўртасидаги алоқа сими узилиб қолади. Нима қилиш даркор? Мудофаада турганларга тез-тез буйруқ бериб туриш керак-ку!

— Алоқани тиклашга ким боради? — сўрайди шун-да командир.

— Мен, Биз! — дея икки жангчи олдинга чиқади. Уларнинг бири Комил Жабборов эди.

Алоқачилар олдинга эмаклаб кетишади. Бош кўта-риш сира мумкин эмас. Осмондан ва ердан ёғилаётган ўқ ёмғири атрофни «элак» қиласарди. Буйруқ эса қатъий. Алоқа тикланиши лозим! Бир маҳал Қомил дўстининг орқада қолаётганин сезади. Қараса, унинг киприклари юмилган... «Эҳ, лаънатилар, бари бир ниятларингга етол-майсанлар», — деди у тишларига қаҳрини тўплаб. Сўнг-ра олдинга шитоб билан ташланди. Мана, узилган симнинг бир учи. Иккинчиси қаерда экан? Шу мақсадда ўрнидан сал кўтарилиши билан чап елкаси узилгандек бўлди. Фурсат ўтмай ҳушдан кета бошлади. «Иўқ, иўқ, нима бўлса-да, алоқани тиклашим керак», — пичирлар-ди унинг оғриқдан гезарган лаблари. У бор кучини тўп-лаб, ўзини ўнг елкасига олди. Қейин симнинг узилган учини маҳкам тишлаб, «ер ковлаганча» олға судралди. Мана, ниҳоят симнинг иккинчи узилган учи кўриниб қол-ди. У атиги ўн метр нарида. Қомил кўзларига келган шодлик ёшларини энтикиб ютаркан, бир фурсат яна ҳушдан кетди. Сўнг... симга етиб олди. Ҳайҳотки, уни улашнинг иложи иўқ. Чап қўли шалвираб қолибди. «Уни албатта улашим керак», дерди у яна ўзига-ўзи.

Аммо қандай? Ниҳоят йўлини топди. Ҳар иккала узилган симнинг учларини оғзига солиб, маҳкам тишлаб турди. Унинг баданидан қўмондонининг: «Огоń! Олға, ўртоқлар, олға!» деган даъваткор сўзлари бамисоли қон каби ўтиб турарди...

Кечга яқин душман ҳужуми орқага суриб ташланди. Комилни жанг майдонидан олиб чиққанларида у тамомила хушсиз эди...

— Ўшанда командиримиз менинг қайта одам бўлишимга ишонмаган чамамда,— деда ҳикоясини якунлади Комил ота, — мен Махачқаладаги госпиталда ана кетди, мана кетди бўлиб, узоқ ётдим. Бу орада қисмимиз Одессани ташлаб чиққан эди. Шундан сўнг менинг кураш йўлим бошқа қисмларга туташиб кетди...

Мезбонлардан бири орага тушган сукунатни бузиб, ҳаяжондан титраб турган Комил отага яқинлашди.

— Азиз отахон,— деди у бир оз вазмин қиёфада,— Сиз ҳақиқий қаҳрамон экансиз, жасоратингиз олдида ҳар қапча таъзим қилсак, бари бир кам. Содир бўлган мана бу хатоликни эса бутун тегишли идораларга хабар қиласман.

Саёҳатчилар Комил отани меҳр қуршовида автобусга чиқаздилар. Ўша куни кечга яқин шаҳар ижрокоми ва ҳарбий комиссариатдан маҳсус кишилар келишиди. Ота билан такрор-такрор қучоқлашиб, узоқ суҳбатлашиди.

Эрталаб дengиз қирғоғидаги ўша тепаликда фанфараларнинг овози янгради. Солдатлар, пионерлар саф тортишиди. Шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, ўзбекистонлик ветеран — саёҳатчилар тўпланишиди.

Мармар лавҳа пойидаги супачада тўпланганлар сағидан миқти гавдали, хушбичим ижроком раиси олдинроққа чиқди. У салобат ва босиққонлик билан дўстлик ва қардошлиқ, мардлик-мангулик мавзууда нутқ сўзлади. Комил ота фидойилигини эса батафсил ҳикоя қилиб, унинг шаҳар фахрий гражданлигига қабул қилинганли-

ги ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди. Уни бағрига босиб, тегишли ҳужжатларни топширди.

— Энди мұхтарам Комил Жабборович,— деди у отани эсдалиқ ҳайкали олдига бошлаб бориб,— мана бу болгача ва исканани қўлингизга олинг.

Ота «хў-ўш?» дегандай ҳайрон боқди.

— Мана бу мармар лавҳага потўғри битилган исмингизни ўз қўлингиз билан ўчиринг. Ҳа, ҳа, Сиз бунга ҳақлisisiz!

Ота бирдан титраб кетди. Мезбонлар бундай қарорға келишларини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаганди. У бир-пас тараддулланиб, майдондаги маънодор термилиб турган нигоҳларга тезгина кўз юргуртирди. Гўё бу нигоҳлар: «Ота, Сиз бунга ҳақлisisiz. Сиз фақат ўз исмингизни эмас, бемаврид ўлимни, лаънати уруш сўзини ҳам мармар лавҳалардан ўчирияпсиз, фурсат ўтмай ишга киришипг», деяётгандай туюларди.

Комил ота сергакланиб, саноқсиз шаҳидлар номлари битилган ҳайкал пойига аста тиз чўқди. Ўларнинг хоти-раси шаънига алланималар дея пичирлади. Сўнгра ўрнидан ғоз туриб, болгача ва исканани қўлига олди. Унинг тилига қўйилиб келгани шундай бўлди: «Кошки ҳаётдан ҳам ўлим ва уруш сўзларини ўчириб ташла-сайдик».

## ● ТУГМАЧАЛИ ТЕЛЕФОН ●

**М**аиший хизмат комбинати директори Шерали Қарсакбоев курортга кетадиган бўлди. Унинг ҳузурига сартарошлик, тунукасозлик, яна икки-уч «лик-лик» ларнинг бошлиқлари бирин-кетин қўлларини чап чўнтакларига солганча кириб, ўнг қўллари билан бош қашиганча чиқиб кетдилар. Қарсакбоевнинг ҳаммадан кутгани суратгирилик ательесининг бошлиғи Ҳотамбоев эди. Кош қорайса ҳамки, ундан дарак бўлмади.

«Товба, тирмизакни қаранг, — дерди директор тепа-  
кал бошини панжаларини «тароқ» қилиб силаркан, —  
ўзику бир имога маҳтал. Яна чап беришини қаранг. Тов-  
ба, сен ҳали Қарсакбоевнинг қармогига дуруст туш-  
мабсан...»

У асабий ҳолатда клавишли телефоннинг трубкаси-  
ни кўтариб, тунд ҳолатда номер тера бошлади.

— Алло, бу Ҳотамбоевнинг ҳовлисими?

— Иўқ, уйлари! — ёшгина боланинг овози эшитил-  
ди трубкадан.

— Ҳай, энди нима фарқ қилди. Бари бир ҳовлида!  
Ҳой, менга қара, маҳмадона, сен кимсан?

— Менми? Мен Ҳотамбоев Абдукарим Мусулмоно-  
вич бўламан, ёшим олтида. Отам мени жуда яхши кў-  
радилар.

— Бўлди, бўлди. Ҳой, Мусулмонович, менга қара.  
Худди отагинангнинг ўзи экансан. Вой-вой, тилгинанг-  
дан ўргилай. Менга қара, ҳой, отанг қаерда?

— Отамми? Отам холамникида. Онам ҳам ўша ерда.  
Тўйга кеттила. Мен бўлсам, укаларимга қоровуллик  
қилиб турибман. Сиз ким бўласиз, амаки?

— Мен отангнинг бошлиғи Қарсакбоевман.

— Тарсакбоев амаки, номингиз қизиқ экан-а. Отам  
баъзан тарсаки ейсанми, деб кўзларини олайтирадила.

— Ҳой, маҳмадана, менга қара, мен Қ-Қ-Қарсакбо-  
евман, қаргадаги «қ». Эшитаяпсанми, «қ» билан айт.

— Қар-сак-боев! Шунақами, амаки, хўп. Қар-сак-  
боев!

— Баракалла! Менга қара, отанг бугун келадими  
ёки йўқми?

— Ё келади, ё келмайдила.

— (Ўзича: Ўлиб бўлдим бу тирранча билан). Менга  
қара, Мусулмонович, айтгинки, ота, эртага Қарсакбоев  
амакимнинг идораларига барвақт бораркансиз, деб айт.  
Хўпми? Эсингдан чиқмайдими?

— Йўқ, амаки, мен энди катта бўлганман. Эсимдан чиқмайди. Дадам билан мен ҳам бораман.

— Йўқ, йўқ. Ҳой, Абдукаримбой, отангизнинг ўзлари келсинлар. Сиз укаларингизга қарашинг. Ҳўпми, жиян...

Жифи-бийрони чиққан Қарсакбоев трубкани зарб билан қўяркан, рўмолчасини чиқариб, терлаган юз-кўзларини, ялтироқ бошини обдон артди. Стол устидаги кўкимтирир кулдондан ярми чекиб қўйилган сигаретини олиб, зарда билан гугурт чақди. Оғир креслога суянганича оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутунлар чиқариб, Ҳотамбоев билан бўладиган учрашувни ўйлаб кетди...

Ҳотамбоев чаққон, уддабурро суратгирлардан эди. Қарсакбоев дарахтнинг шохида бўлса, Ҳусулмонқул баргida юрарди. Қарсакбоев бўйидан урса, Ҳотамбоев энидан шундоқ чертиб-чertiб урадикин, директор баъзан лом-мим демай қоларди. Ана шу хислатлари учун у директорни мафтун этганди.

— Менга қара, ука, сенга оталик қилмоқчиман, — деди бир кун Қарсакбоев уни кабинетига ёлғиз чақпирib,— сени ательега мудир қилиб тайинлайман.

— Раҳмат, ака мулло. Бу яхшилигингизни унутмайман. Хизматингизга бирор кун яраб қоларман.

— Ана шундан гапири-да, хумпар. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Менга қара, яқинроқ келсанг-чи, — директор қўлини оғзига арра қилгунча секин шипшиди, — ҳар ойда ҳузуримга кириб турасан, тушундингми. Мана, тугмачали телефон. Шундоқ кўтариб... остига қўяссану, орқангга қарамай чиқиб кетаверасан. Тушундингми?

— Албатта, Шерали ака!

— Ҳа, энди менга қара, гап бундоқ бўлибти-да. Биз ҳам сени қўллаб-қувватлаймиз, ука. Агар шу жойда ишлаб турсам, — дерди директор ўнг қўлининг орқаси билан чап қўлининг кафтига урганича,— сени орбитага чиқараман. Ҳа, ҳа, ишонавер...

Ҳотамбоевнинг директор кабинетидаги тугмачали

телефонии кўтариб, остини «обод» қилиши анча вақтга-ча давом этди. Баъзи ойларн Қарсакбоевнинг қатъий талаби билан бу ҳол икки, ҳатто уч мартадан давом этди.

— Биласизми, ўртоқ директор,— деди бир куни шашт билан кирнб келган Ҳотамбоев,— жонимга тегдингиз. Менинг ҳам учта нонхўрим бор. Ҳар куни ишга келаёт-ганимда чумчукнинг боласидай тамшаниб-тамшаниб оғиз очиб қўйишади. Ҳўш, айтинг, уларни ким боқади? Бўлди энди. Кўнсангиз ҳам, кўнмасангиз ҳам ҳар икки ойда бир марта телефонингизни кўтариб қўяман. Бўл-маса...

— Бўнти ука, бўнти,— деди кўп жойлардан ҳай-далиб, эҳтиёткор бўлиб қолган директор чаёп чаққандек ўриидан иргиб туриб,— м-м-мени ҳеч нима деганим йўқ. Уч ойда кирсанг ҳам, тоис кирмасанг ҳам, бў-лади. Менга қара, кетавер укам, кетавер...

Хуллас, ҳавоий «ўлжак»лардан жудо бўлаётгани Қар-сакбоев Ҳотамбоевнинг оёғидан олишга пайт нойлар, бирор камчилик тоғиб, уни ишдан четлашишга бош қо-тиради. Аммо Ҳотамбоев директорга ошигини ҳеч ол-дирмасди...

Эрталаб Ҳотамбоев кабинетга кирганида директор сигарета чекиб ўтирад, қовоғидан қор ёғилгудай важко-ҳатли эди.

— Ҳўш, укам,— деди Қарсакбоев саломга алиқ олмай, писанди билан,— кеча нега ҳузуримга кирма-дилгиз?

— Эшитганим йўқ. Бугун айтишди, курортга кета-ётган эмнишсиз.

— «Мишиш». Товба! Менга қара, тўрт кишини ор-қангдан юбордим-ку!

— Ҳа, буниям ҳозир эшитдим. Хотинвой билан тўй-да эдик.

— Тўйда эдик дeng, холағизинида. Шундоқми? Ана у маҳмадана сенинг ўглингми? Вой-вой, қайсар-

лиги худди ўзинг-а. Мени Тарсакбоев дейди-я! Буни албатта ўзинг ўргатгансан.

— Нималар деялсиз, ака мулло. Худо ҳаққи, ҳеч нима деганим йўқ. Тугмачали телефонингиз ёмон ишлайдир-да. Фамилиянгизни хато эшишган.

— Ҳа, ҳамма бало ана шу телефонда! — Директор трубкани аппаратдан кўтариб, яна зарб билан ўрпига қўйди...

— Қачон жўнайсиз, ака мулло? — мулойим сўради Мусулмонқул.

— Эртага!!!

— Шунақами? Бўлмаса гап бундай ака мулло, ҳозирча чой чақангиз бўлса керак. Отпусканой олгансиз. Агар хизмат бўлмаса, ака муллажош, беш-ён кун ўйнаб-кулганингиздан сўнг менга битта телеграмма жўнатасиз. Қолганига ўзим тушунаман. Ахир курортда қийналиб қолишингиз мумкин.

— Ақлингга қойил! — деди директор бир оз ўйловдан сўнг хурсанд холда, — ўзинг дурустсан-у аммо ичдап пишгансан-да. Майли, укам, омон бўл. Адрессин албатта маълум қиласман. Лекин менга қара, фамилияниг Хотамбоев-а, аммо Хасисбоев бўлибсан. Телефонни уч ойдан бери қимирлатганинг йўқ...

Қарсакбоевдан ўн кун деганда телеграмма келди: «Етиб келдим. Тобим йўқроқ. Дори юбор!» дейилган эди унда. Хотамбоев шу куниёқ пачта орқали уч юз сўм пулни «срочний» қилиб жўнатди. Беш кундан сўнг: «Раҳмат, дорингни олдим», деган мазмунда яна икки энликинина хат келди.

Ана-мана дегунча бир ой ўтиб кетди. Қарсакбоев курортдан шишиб, пишиб, тошиб келди. Бир ҳафтагача уйидан одам аримади. Кўнгил сўраш дегандай Хотамбоев ҳам ўғилчаси Абдукарим билан уникига бирров кириб чиқди.

Директор иш бошлаганинг иккинчи ойида эса Хотамбоевни кабинетига чақирди. Уни ательени бошқа-

ролмасликда, ходимлар уни менсимай қўйғанликлари, агар ўзи бўлмаса план умуман бажарилмай қолишда айлади. Уни үқувсиз, йўл билмасга чиқарди.

— Хуллас, укам, Мусулмонқул, сен билан ишлаб бўлмайди, — у телефон трубласини жойндан кўтариб, яна ўрнинг қўяркан. — Марҳамат қилиб, ўз ихтиёринг билан ишдан қетиш ҳақида ариза ёз. Бўлмаса ҳозир приказ бераман.

— Ахир, ака мулло, планни ҳар ойда ошнриб бажа-раяпмиз-ку. Мукофот ўрнига туҳматми?

— Ҳали сизга мукофот керакми? Қани, қани, каби-нестдан туёғингни шиқиллатиб қол-чи!

— Хўп, ўртоқ Қарсакбоев, мен кетаман, — деди қўллари, лаблари титраётган Ҳотамбоев, — лекин сиз ҳам мен билан бирга кетасиз. Буткул кетасиз. Идора-дан, мансабингиздан. Ана шу порахўр, тугмачали телс-фонингиз, занглаған креслонгиз билан бирга кетасиз.

Ҳотамбоев шундай дея қўйиш чўитагидаи аллақандай қоғозчаларни чиқарди:

— Мана бу — курортдан юборган телеграммангиз, — дерди у ғазаб билан, — мана буниси квитанция — сизга жўнатган уч юз сўм сўлкавойим. Бу эса ўз қўлингиз билан ёзган иқрор хатингиз! Хўш, буларнику инкор қилолмассиз, ўртоқ Тарсакбоев. Энди сиз билан, теле-фонингиз билан тегишли органлар гаплашади. Мен кетдим.

— Ҳой, менга қара, Мусулмонқул бўлмай кет, кофир. Менни пичоқсиз сўйма, менга қара, ҳой, балонгни олай. Телефон-пелефонини узиб ташлайман... Сени ўриибоса-рим қиллаб тайинлайман. Ҳой, тўхта, тў-ўх-хта...

## ● ЧИРИҚ ДЕВОР ●

**И**ўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Тоштемир Ҳайдаровдан корхона шоферига: «Фалон кунин қайтаман, эрталаб соат 7 да кутиб ол», мазмунда-

ги телеграмма келди-ю, кадрлар бўлими мудири Махсум Миржоповнинг ороми бузилди. Унинг ўзига ярашмаган паканагина, бақалоқ гавдаси гоҳ план бўлими, гоҳ бухгалтерия, гоҳ таъминот бўлимларида пайдо бўлар, ўнг қўлининг митти, семиз кўрсаткич бармогини дуч келган кипининг биқунигами, кўкрагигами «санчиб» суюнчи оларди:

— Эшитдингизми, Тоштемиржон акажонимиз келарканла. Айришилап билан япа. Ўзлариям жуда узоқ кетдиларда.

— Уч кун бўлдику командировкага жўнаганинг. Нима бало, эмизикли бузоқмисиз, дарров согнибисиз.— Ҳам жеркиб, ҳам писандада қилишарди ундан безор бўлганилар.

Лиа шунда Миржоповнинг жагн-жагига тегмас, қарийб ўттиз йилдан бери шу ташкилотда ишланини, давлат юмушлари дея тўқсон тўққиз процент сочи оқарганини пени қилар, уни тингламаганинг нодонликда айбларди.

— Тоштемиржон акажонимиздай бошлиқ дунёга бир марта келади. Тоштемиржон акажонимизнинг қадрии мана биз, дунё кўрганлар биламиз. Ҳа, у кишининг бир тола мўйлари сенларнинг ўнтанинга баравар.

— Нима бунча «жонлаб» қолдингиз, — деди бухгалтерияга яқинда ишга келган Нортожи исмли бола,— Тоштемир Ҳамдамович ўғлингиз тенги чамамдаку!

— Маҳмадоналик қилма,— ўдағайлари Миржонов узун кипржкларини пирниратиб, — одобни ўрганини керак. Сен яна қирқ йил ишласанг-да, одамни таниёлмайсан, тирранча. Хоҳласам ака дейман, хоҳласам тога дейман, сенга нима?

— Менга деса, ота денг...

Кабинетда қийқириқ кулги кўтарилди. Оппоқ, ўсиқ қошлари орасига тугунча тушган Миржонов аламига чидаёлмай гўлдираганча чиқиб кетди.

— Писмиқ. Ҳайдаровга ёқмаса-да, унга ўзини яқин

олиб, сотқинлик қиласи, — деди кимдир унинг орқаси-даи жаҳил аралаш...

Одамларнинг кўзига қайта кўринмасликка ҳаракат қилгап Миржонов ўша куши қуёш ботишини бетоқатлик билан кутди. Иш соати тугагач, ҳамма хоналарга бир-бир кириб чиқди. Ходимлар уй-уйига тарқалишибди. У чуқур пафас олиб, телефон трубкасини бамайлихотир кўтарди. «Телефонлар китобча» сини бир-бир варақлаб, керакли номерни тера бошлади:

— Алло, бу гараж, тоис таксаматўрми? Ман ким билан гаплашаёнман?

— Диспетчер билан!

— Ҳа, диспетчир акажон, худди ўзингиз керак эдингиз. Бизни адресни ёзиб олсангиз, тоис истиқомат қила-дигап уйимизни. Ҳа, ҳа, кўчамиз эски шаҳарда. Биласизми, эртага эрталаб соат 7 га Т-т-тоштемир акажонимиз келадилар, хўжайинимиз. Шунга битта такса ксрак эди «Газ-24»дан, янгисидан, бўлсин. Бўлади дейсизми? Ҳе оғзингизга асал. Ҳожатбарормиз-да, акажон. Кимсан Тоштемир Ҳамдамовични сизнинг «Волга» иғизда бундоқ физиллатиб, уйларига келтириб ташласак, буининг савобига ким стибди. Ганин чўздингиз дейсизми? Ҳа, энди кечиргайсиз, диспетчир акажон. Яна эсингиздан чиқмасун, соат беш-у пул-пулда кутаман жийрон отингизни.

... Ҳавораинг «Волга» айтилган соатда Миржоновпинг эшиги олдида ҳозир бўлди. Кечаси билан «мени уйготасан» дея хотинини ҳам кўз юмдирмаган Миржонов қора раигли, бесўнақай пальтосига ўрапиб, олдинги ўридиққа ўтирди.

— Тўшиш-тўғри айранортга! — шоферга буюрди у.

Кўп ўтмай машина шаҳарни ортда қолдириб, икки томони пахтазор текис йўлга чиқиб олди.

— Шопур бола, — деди у анчадан сўнг уйқусиз кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб эснаркан, — кўп эмас, ярим соатгина кутасан. Айришилон шундоқ келиб қўниши би-

лан Тоштемир акажонимизниң қўлларидан чамадонни ман, портфелларини сан олиб, мапа шу фирқўкингга таклиф этамиз...

— Бир минут ҳам кутолмайман, — деди ёштина, ба-қувват такси ҳайдовчиси.— Сизга ўхшаб кутиб турган заказларим бор. Сизни фақат аэропортга келтириб ташлаш ҳақида топшириқ олганман.

— Бу қанақаси бўлди. Ҳой нодон, узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деганлар. Эшитганмисан, шу мақолни. Насяни қўйиб, нақдни кўр. Ҳожатингни иккни ҳисса қилиб чиқараман, хафа бўлмайсан.

— Бўлмайди дедим-ку, гапга тушинасизми ўзи?

— Нима, нима? Мен гапга тушинмайдиган бўлдимми ҳали? Мени биласанми ўзи? — қизарган кўзларини шоферга тикиб ўдағайлади Миржонов.

— Биламан!

— Кимман унда?

— Албатта одамсиз, — деди шофер бамайлихотир аэропортдаги такси бекатига етиб, тормозни босаркан, — министр бўлсангиз ҳам, менга барибир, оддий йўловчисиз. Қани таксофон кўрсатган тегишли пулни тўланг-да, жойни бўшатинг. Бўлмаса...

— Ё навзамбиллонгдан ўргилай, — шофернинг ва-жоҳатини кўриб, ёқа ушлади Миржонов,— сан ўзи бугун чап биқининг билан турганмисан? Ахир...

Шофер Миржоновнинг тумшиғи остидан гурзидай ўнг қўлини узатиб, машина эшигини зарб билан очаркан, муштумини қисиб буюрди:

— Дарров тушиб, эшикни орқа томонидан бекитинг!

Оқибати ёмон бўлишини сезган Миржонов йўл-йўл трико шимининг соат чўнтагини ковлаштириб, саккиз қатланган битта бир сўмликни шофернинг олдига ташлади. Сўнг шоша-пиша таксидан тушди.

— Тўхтанг, — яна буйруқ берди шофер бола, — қайтимингизни олинг.

— Йўқ, йўқ, керак эмас. Сенга бағишладим ўшани.

— Нима? Менга бағишладынгиз? — кўзлари чақ-чайди шоферниг. У шашт билай такси кассасидан битта 15 тийнлик таңгани олниб, машинанинг очиқ деразасидан Миржонов томонига отиб юборди.

— Қайтиминг ўзингга сийлов. Ҳе, ўпка!...

Машина қаттиқ газдан енгил силкиниб, «ҳожатбарор» кишини аччиқ тутунгга кўмганча жўнаб қолди.

Кутилмаган воқеадан довдираб қолган Миржонов аччадан сўнг ўзига келди. Асфальтни ёриб чиқсан ажриқлар орасидан тангасини топиб, пальтосининг чап енгига арта-арта, чўнтағига солди.

— Ношукур банда, — деди у кутнш залига кириб, скамейкаларнинг бирига ўтиаркан, — қорни тўйипти тиррончани. Сендан катталари жон-жон деб олади-ю. Ҳа, майли, кутмагани яхши бўлди. Ахир такси жони-ворининг ҳар минути ҳам анча-мунча пул. Хўжайиннинг айрипилондан шундақ тушишларини кўрдим дегунча любой таксини заказ қиласман.

Шу пайт аэропорт дикторининг биринчи рейсдаги самолёт етиб келгани ҳақидаги ахбороти эшитилди. Миржонов ток ургандек ўрнидан санчиб, ташқарига югурди. Кутиб олувчилар тўдасини ёриб, навбатчининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, олдинга ўтиб олди. У самолётдан тушиб келаётган ҳар бир кишининг башарасига энтикиб-энтикиб қарап, назаридага гўё шуларнинг бири хўжайини чиқиб қолиб, ҳозир уни қучоқлаб олгудей бўларди. Иўқ, хўжайин бу рейс билан келмалти. «Ухлаб қолган бўлишлари мумкин. Албатта иккинчи рейсда келадилар, ўзича ўйлади Миржонов, — кетиб қолсам, одобдан эмас, кутганим бўлсин...»

...У кутди. Учинчи, тўртинчи қатновларни ҳам кўзлари тўрт бўлиб кутиб олди. Бешинчи қатновдаги самолёт келганида ҳатто бирорни кузатиш баҳонасида унинг ичини айланиб тушди. Иўқ, Тоштемир Ҳайдаровичдан дом-дарак йўқ!

Миржоновнинг ҳўнграб йиглашига сал қолди. Аэроп-

порт буфетига кириб, алам билан икки стакан винопи кўз юммай шимниди. Йигирма йил олдин чекишини ташлаган бўлса-да, бир пачка «Интер» олиб, ташқарига чиқди. Ў сигаретани лабларига қўндириганча автобус бекатида биё-биё бўлиб тураркан, нарироқда ҳаворанг такси келиб тўхтади. Миржонов чайқала-чайқала машина олдига келиб, эшикни очди. Ўзини юмшоқ ўриндиққа ташлаб: «Э-эски шаҳ-ҳарга», дея валжиради.

Шофер бундай қараса, субҳидамдаги «клиенти».

— Ҳа, оғайни,— деди у чап қўли билан қошигача бостириб олган кепкасини кўтариб,— хўжайин кесирдагингизгача қўйинтиларми дейман!

— А-ал-аламимни қ-қўз-ғатма. Тошкўмир, тоис, То-оштемир акк-ккажонимиз к-келма-дилар.

— Қайси Тоштемир aka? Ҳайдаровни айтаянисизми? — сўради қизиқиб шофер.

— Ма-ладдес! — Миржонов хиёл ўриидан қўзгалиб,— хўй-үш, сан у кишини қ-қаердан тонийсан?

— Нега танимас эканман! Йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Ҳайдаров-да! Сизин бу ерга ташлаб, поезд вокзалига бирорини элтсан, бекатда турган эканлар. Машиналари бузилиб, шофер кутишга чиқолманди. Идораларигача элтиб қўйдим.

— А?.. Н-німа дедиинг? Ид-дорагача элтиб қўйдим? — Мастлигини ҳам унуган Миржонов машинадан шашт билан тушиб, шофернинг ёқасидан жуфтлади, — Мени беип дорга осибсан-ку, тирронча. Н-нега м-епи по-поезд вокзалига ол-либ бо-ормадинг? Энди мен қ-қандай одам бўлдим?

— Расво одам!.. — Шофер Миржоновнинг қўлни ёқасидан бўшатиб, зарб билан орқага итарди. — Патхалим! Бирорларининг соясига кўрнача солгунча, чиригай деворни устингга торт... Ҳе, чирик девор!..

Махсум Миржонов ўриидан зарб билан қўзғалган такси орқасидан бошини чангаллаганча, бақрайиб қараб қолди...